Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши. № 53 (13.009). 5 МАРТ 1965 йил ЖУМА *Баҳоси 2 тийин.*

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари

Таборак ТУРДИАЛИЕВ.

Павел ПЛАТИЦИН.

Жавли РЎЗИЕВ.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙЛИК

Баҳор ўзгача файз, ўзгача чирой очиб келди ўлкамизга. Деҳқон баҳори бошланган дастлабки кунлардаёқ ажойиб хушхабар ҳаммамизнинг қалбимизга олам-олам севинч бахш этди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 1 мартдаги Фармони билан республикамиз қишлоқ хўжалик, саноат, транспорт, қурилиш илғорлари, савдо, фан ва маданият ходимларидан 10.996 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Йигирма уч кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Меҳнатда ажойиб намуна кўрсатган бу кишилар ҳаммамизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олган, эл меҳрини қозонган чинакам замондошларимиздир. Булар юрак қўрини, толмас ғайратини, билим ва тажрибасини халққа бағишлаган азаматлар. Булар ҳаётимизнинг гўзал ва фаровон бўлиши учун улкан ҳисса қўшаётган мард ўғил-қизларимиз.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маниэп Жалоловнинг номини ким билмайди дейсиз? Чўл қувиб қўриқ очаётган бу шижоатли ўғлоннинг юрак қўри мингларни ҳайрли ишга — янги ерлар очиб, чўлни чаманзор қилишга чорлади. Тошкентлик бинокор Ҳожи Қосимов, самарқандлик тўқувчи Феодосия Кафанова, фарғоналик миришкор пахтакор, тадбиркор ташкилотчи Аҳмаджон Одилов, қўра-қўра кўк бокиб, эл-юртига гўшт-ёғ етказиб бераётган қашқадарёлик чўпон Жавли Рўзиев, хоразмлик пахтакор Искандар Юсупов, бухоролик Ҳайдар Жўраевлар чиндан ҳам меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатаётган қалби оташ кишилардир. Шунинг учун ҳам эл-юрт уларнинг номини меҳр билан тилга олиб, олқишламоқда.

Ҳа, республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳормайтолмай ишлаётган илғорларга берилган мукофот — халққа, қаҳрамонона меҳнатимиз эвазига берилган мукофотдир, Зотан унда ҳар биримизнинг муносиб ҳиссамиз, улушимиз бор, Бинобарин, бугун биз бир-биримизни олий мукофот билан муборакбод қилар эканмиз, бунга тамоман ҳақлимиз. Эл фарзандига қилинган тортиқ элга қилинган тортиқдир. Шунинг учун ҳам халқимиз бу юксак мукофотларни партия ва ҳукуматнинг Иттифоқчи республикаларга, уларнинг экономикасининг беқиёс гуллаб-яшнаши учун қилаётган ғоят катта ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб билади. Янада зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиш, етти йиллиннинг охирги йилида ҳам юксак марраларни эгаллаш учун кураш республика меҳнаткашларининг шу юксак мукофот ва буюк ғамхўрликка муносиб жавоби бўлади.

Куни кеча ўз ишини тамомлаган республика пахтакорларининг қурултойида ҳам янги марралар белгилаб олинди, республикамизда қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада тез суръатлар билан юксалтириш, ҳосилдорликни кескин ошириш учун республика пахтакорлари олдида турган вазифалар кўрсатиб ўтилди. Энди ана шу белгиланган муҳим тадбирларни амалга ошириб, бутун диққат-эътиборни янги пахта ҳосили учун курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирадиган, ғанимат фурсатнинг минут-соатларидан унумли фойдаланадиган дамлар бошланди.

Баҳор жамолини кўз-кўз қилиб, дала-қир деҳқонни чорламоқда. Республикамизнинг жанубидан шимолигача ҳамма ерда дала ишларини қизитиб юборадиган кунлар келди. Бу йил республика колхоз ва совхозлари камида бир миллион гектар ерга чигитни квадратуялаб экадилар. Аммо бунинг учун энг муҳим агротехника тадбирларидан бири — ерларни текислаш иши кўнгилдагидек олиб борилаётгани йўқ. Нотекис ерларни озиқлантириш, суғориш қийин бўлади, техника яхши ишламайди, натижада нўзланган ҳосил олинмайди. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда бу масалага алоҳида эътибор берилиши керак. Айниқса Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг айрим районларида шундай ҳол юз бермоқда.

Бу йил сув камчил бўлиши кутилмоқда. Ҳар бир хўжаликда тупроқда кўпроқ нам тўплаш тадбирларини кўриш зарур. Айрим хўжаликларда ариқ-зовурларни тозалаш иши қануни пайсалга солинмоқда. Бунинг натижасида республикада ариқ-зовурларни тозалаш топшириғи энди 62 процент бажарилди.

Техникани кўкламга шайлаш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларидан биридир. Аммо бу иш кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек Термиз ва Пайариқ районларида техника ремонти айниқса пайсалга солинмоқда. Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида мавжуд техниканинг ярми ҳам ремонтдан чиқарилмаганини қандай баҳолаш мумкин? Бунинг устига Автоном республиканинг айрим хўжаликларида техникани сақлаш ишига ҳам хўжасизларча қаралмоқда. Бундай аҳвол Сирдарё, Сурхондарё ва Бухоро областларининг айрим хўжаликларида ҳам содир бўлаётир. Ғиждувон районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг механизация бўйича раис муовини ўртоқ Одилов ўз хўжалигида техниканинг қай аҳволда эканлигини ҳам билмайди. Қишлоқ хўжалик машиналари кузда қаерда ишлатилган бўлса, қиш бўйи ўша ерда етаверган. Натижада бу агрегатларнинг кўпи ишдан чиққан. Олтиариқ районидаги «Москва», Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозларда ва Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхозда ҳам техникани асраш ва ремонт қилиш ишларига хўжасизлик билан қаралмоқда.

Республикамиз пахтакорлари ўтган йили об-ҳаво ноқулай келганига қарамай, Ватанга 3 миллион 670 минг тоннага яқин «оқ олтин» топширган эканлар, бу биринчи навбатда механизациянинг шарофатидир. Бу йилги мўл ҳосилимиз ҳам, умуман пахтачилигимиз мустаҳкам ҳам механизацияга боғлиқдир. Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш — бош шиоримиз эди ва шундай бўлиб қолади.

Чигит экишнинг бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу қисқа вақт ичида барча хўжаликларда техника ва ерларни экишга шай қилиб қўйиш, қишлоқ меҳнаткашларини кўпламги экишни намунали ўтказишга сафарбар этиш зарур. Ўзбекистон партия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотлари барча дала ишларини олдиндан тузилган график асосида олиб боришни қаттиқ назорат остига олишлари, бу ишда коммунистларнинг авангардлигини таъминлашлари керак. Ишни шундай уюштирайлик-ки, бу йил ҳам ўтган юбилей йилидагидек она-Ватан олдида юзимиз «оқ олтин»имиздай ёруғ бўлсин, эл-юрт офарин десин.

Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрликларига жавобан янада фидойорлик билан, жасорат кўрсатиб меҳнат қилайлик, сафимизга янгилянги меҳнат қаҳрамонлари қўшилсин, 1965 йил ҳам катта ғалаба йили бўлсин!

ТРАКТОРЛАР РЕМОНТДАН ЧИҚАРИЛДИ

Фарғона областидаги колхоз ва совхозлар тракторларни ремонт қилиш квартал планини муддатидан олдин бажариб қўйдилар. Йил бошидан буён ҳар хил маркали икки минг олти юз трактор қўклам-дала ишларига тайёрлаб қўйилди. «Узсельхозтехника» билан совхозларнинг устахоналарида меҳнат яхши ташкил қилинганлиги туфайли ана шу муваффақиятга эришилди. (ЎзТАГ).

ТИЛСИМ ОЧГАН АГРОНОМ

Кўпдан бери бир ўй Раҳмат акага ором бермасди. Ўтирганда ҳам, турганда ҳам беихтиёр шу ҳақда ўйлаб кетарди.

— Рост, — деб қўйди у ўзигаўзи, — ўзимиз ҳам ҳаддан ташқари суюлиб кетдик-да.

Бир ҳафта илгари бўлиб ўтган бир воқеа Раҳмат акани ҳамон ташвишлантирарди. Район пахтакорларининг катта меҳнат ғалабасига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда айтилган гаплар унинг ҳаёлидан бирма-бир ўтди. Ҳаммасидан ҳам қўшни колхоз агрономининг бурро гаплари сирасира ҳаёлидан кетмайди. Ўзиям «Қизим сенга айтаман. келиним сен эшит» дегандай роса жўшиб гапирди-да. Ҳа, пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб қойиллатгандан кейин у гапирмай ким гапирсин!

Биз-чи? Еримиз уларнинг ерлари билан туташ ва ҳатто бир ариқдан сув ича туриб, гектар бошига лоақал 25 центнердан ҳам пахта териб ололмадик. Ғўзаларимиз яхши ривожланмаганидан ҳосил йиғим-терими жуда кеч тамомланди. Таннарх қимматлашиб кетди. Колхоз даромадининг кескин камайиб кетишига ҳам бош сабаблардан бири шу.

Раҳмат ака ҳаммаси учун ўзини айбдор деб билди. Ахир, мўл ҳосилга ойдин йўл кўрсатасан деб, унга бош агрономликдек катта ва масъулиятли пост ишониб топширилган-ку? Маълумоти олий. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Олган билимларини амалда кўрсатмаса, дон сочиб, ҳосил ололмаган ношуд деҳқондан қандай фарқи бўлади?

Раҳмат ака КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини ўқир экан, ундаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш асосан янги ер очиш ва энг муҳими ҳосилдорликни оширишдадир, деган жумлалар унга орзу эшикларини кенг очиб юборгандай бўлди.

1963 йилнинг кеч кузи. Барвақт шудгорланган ерлар ботай-ботай деб турган қўёш шафағида товланади. Раҳмат ака қадрдон далаларнинг шу тоғдаги ҳуси-жамолига тўйиб-тўйиб боқди-да, тупроқ тўлдирилган шиша банкаларни кўтариб, лабораторияга жўнади. Микроскопда тупроқ таркибини текшириб кўрди. Маълум бўлдики, колхоз ерларининг ҳаммаси ҳам ўғитга бирдай бой эмас экан. Ерларга ориқ-семизлигига қараб ўғит бериш керак. У шу асосда колхоз ерларининг агротупроқ картасини тузиб чиқди. Ўқариқ ва эгатларни қай тартибда олиш кераклигини эса махсус макетда кўрсатиб қўйди.

— Агрономимиздан ёлчиганмизда, — деди колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Холиқ Ҳалимов. — Раҳматжон чиндан ҳам «оқ олтин» хазинасининг тилсимини очди. Унинг пухта режалари асосида иш тутиб, ўтган йили катта зафар қучдик. Она-Ватанга 811 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 25 ўрнига 31 центнердан «оқ олтин» топширилди. Робия Эргашева, Баҳриддин Расулев, Алиқул Тошев, Элмон Суюнов ва Бобожон Йўлдошевлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан колхоздаги ўртача даражага нисбатан 5-7 центнер кўп пахта етиштирдилар. 10 та бригаданнинг ҳаммаси социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарди. Бу, комплекс механизация ва химия шарофатидир.

Мана, астойдил изланиш ва сидқидилдан қилинган меҳнатнинг роҳатини кўряпмиз. Пахтачиликдан 833 минг 892 сўм соф фойда олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи пландаги 25 сўм 5 тийин ўрнига 17 сўм 4 тийинга тўғри келди. Натижада кўпчилик колхозчиларимиз жуда катта даромад олишди. Бундай катта ғалаба колхозимиз тарихида ҳеч қачон бўлмаган эди!

Ҳа, ранс агрономга муносиб баҳо берди. Лекин Раҳмат ака камтарлик қилиб, суҳбат мавзуини бошқа томонга бурди.

— Колхоз аъзолари шу кунларда жон қуйдириб ишлашяпти. Улар далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқаришяпти, сув йўлларини тахт-равон қилишмоқда. Булар билан истаган мақсадга етсанг бўлади! Яхши ният ярим давлат дейдилар. Бу йил гектаридан 37 центнердан ҳосил олмоқчимиз. Ишонаверинг, айтганимизни қилмасак, ором ололмаймиз.

Ишонмай бўладими! Ўтган йили ҳосилдорликни гектар бошига 6 центнер ошириб, районда рекорд қўйган мардлар, албатта, бу маррани ҳам эгаллайдилар. Катта мақсад йўлида кўрилаётган пухта тайёргарлик бундан далолат бериб турибди. Экиш олди ишлари қўргонтепаликларчасига ташкил этилган. Шароитга қараб, ҳар гектар ерга 12-13 тоннадан маҳаллий, 275-300 килограммдан минерал ўғит солиниб, ҳамма майдон барвақт ҳайдаб қўйилган. Айни кунларда ҳам мўл ҳосил ишқибозларининг қўли-қўлига тегмайди. Қадрдон далаларга ҳар куни 80-85 тоннадан маҳаллий ўғит ҳамда чириндига бой балчиқ ва эски девор кесаклари ташиб чиқарилмоқда. 400 тоннага яқин компост тайёрланди.

— Энди чигит экишни барвақт ва соз ўтказсак, бу йил ҳам ютамиз. — дейди Раҳмат ака ишонч билан.

Азаматлар бунга ҳам пухта тайёргарлик кўриб қўйишибди. Техника воситалари сифатли ремонтдан ўтказилиб қўйилган. Чигит экиш агрегатлари экипажларининг аъзолари ўқитилди. Бу ишларга Раҳмат ака бош-қош бўлди.

Кийин агроном Раҳмат ака Тўраевдай бўлса!

А. МУРТАЗОЕВ,
Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхози.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Термиз пахта тозалаш заводининг меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича етти йиллик топшириқни олти йилда бажардилар. Маҳсулот таннархи арзонлашиб, тола ва линтнинг сифати борган сари яхшиланиб боряпти. Коллектив ютуқларининг калити нимада деган савол туғилиши табиий. Бу тола ва линт машиналарини бошқараётган, уларни ремонт қилаётган кишиларнинг, энергетика хўжалиги ходимларининг фидокорона меҳнати самарасидир.

Аввало, машина ва ускуналар қувватидан яхши фойдаланяпти. Ишчи ва мутахассислар машиналарни ишнинг кўзини билиб бошқарадилар, унумли ишлатадилар, «тил»ини биладилар. Шу боисдан ҳам у синиб қолиб, ишнинг белига тепмайди. Янги ускуналарни ишга солишга, мавжудларини капитал ремонт қилишга алоҳида эътибор берилди.

Очиғини айтсак, корхона ишида камчиликлар ҳам бор. Ўтган йили маҳсулот сифати юзасидан 43 та шикоят ҳати тушди. Бир неча ўн минг сўм жарима тўланди. Завод аҳли олган мажбуриятда бундан буён маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб бориш режалари белгиланган. Касални яширсанг, ноитмаси ошкор қилади. Бор гап: илгари намлиги нормадагидан баланд бўлган пахтани ҳам қабул қилиб, ишлайверардик. Энди бунга йўл қўймаймиз. Ип-канопни пахтадан ажратиб оладиган сеткалар яхши ишлаяпти, тола ажратиш машиналари пахтага қараб созланади.

Валикли завод ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган республикадаги яккаю ягона завод. 24 та жин машиналарини атиги уч ишчи бошқаради. Яқин-яқингача ҳам бу ишда 17 киши банд эди,— дейди смена бошлиғи Михаил Григорьевич Жуманов,— эндиликда эришилган натижа шундан далолат беради, ишчиларимизнинг малакаси, техникавий билими ортди. Сменада 5 тонна ўрнига 8-9 тоннадан тола ажратиб олиняпти.

Цехлар тоза. Иш жойлари батартиб. Шунинг учун ҳам ипичиқ ва бошқа нарсалар пахтага аралашиб кетмайди. Сифатни бузиб, ишчининг юзини ерга қаратмайди.

Термиз пахта тозалаш заводидаги ҳамма бригадалар фақат аъло сифатли тола ва линт чиқаришга ҳаракат қилишяпти. Иш ҳам унумли, сифат ҳам кўнгилдагидек бўлсин — термизликларнинг аҳди шундай.

И. КВАСОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигини Ўзбекистон ССР Иттифоқ-республика қишлоқ хўжалиги министрлиги қилиб қайта тузиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигини Ўзбекистон ССР Иттифоқ-республика қишлоқ хўжалиги министрлиги қилиб қайта тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри,
1965 йил 4 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Н. Ж. Худойбердиевни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Нормуҳаммад Жўраевич **Худойбердиев** Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри,
1965 йил 4 март.

ХУШХАБАРЛАР

Гектаридан 30 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаган Балиқчи районидаги «Коммунист» колхози меҳнаткашлари ариқ ва зовурларни тозалаб бўлдилар. 1050 гектар пахта майдонининг 800 гектарига яхоб берилди.

С. ЙИГИТАЛИЕВ.

●

Махсус ташкил этилган тўртта бригада Чуст районидаги «Ленин йўли» колхози далаларига қўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқаяётир. 8 автомашина, 10 прицеп ва аравалар билан ҳар куни далага 100-120 тонна ғўнг чиқарилмоқда.

А. ОХУНЖОНОВ.

●

Фориш районидаги «Фориш» совхозининг ферма ва отарларида 52 минг бошдан кўпроқ қўй боқилмоқда. Совхоз чўпонлари ҳар 100 бош совлиқдан 125-130 тадан қўзи олишга аҳд қилиб, ўзаро мусобақалашмоқдалар.

Тожибой Темиров, Ибо Қобилов ўртоқлар ҳар юз бош совлиқдан 160 тадан қўзи олишга сўз берганлар. Ҳозир отарларда совлиқлар қўзилай бошлади.

Қ. ҚАМБАРОВ.

●

Инженер ўртоқ Н. Болтабоев бошчилигидаги ремонтчилар бригадаси 32 та трактор, 14 та селлка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонтдан чиқарди. Бағдод районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида техника ремонти тугаллангач, далага ўғит чиқариш, яхоб бериш ишлари янада тезлаштирилди.

М. ЖАЛИЛОВ, М. МАДАМИНОВ.

ИМКОНИЯТ БИЗДА ҲАМ БОР!

Хўжалигимизда пахтачилик асосий тармоқ ҳисобланади. Барча экин майдонининг якин 82 процентида пахта етиштирилади. Колхозимиз Марказий Фарғонанинг Езёвон массивида жойлашган, экин майдонлари кўчи шўрланган. Шунинг учун ҳам пахта етиштиришда пахтакорларимиз олдида катта қийинчиликлар туради.

Табиатни бўйсундириб, асрий чўллар бағридан тонна-тонна «оқ олтин» олаётган чўлқуварлар етти йиллик топшириқларни муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Етти йилликнинг ўтган олти йилида она-Ватанга планга қўшимча салкам 2 минг тонна «оқ олтин» топширдик. Ўтган йили 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландагидан 4 центнер зиёд ҳосил йиғиб олдик. Бу бўз ер шароитида катта иш албатта.

Аммо, бу муваффақиятлар пахтакорларимизнинг кўнглини тўлдирмаяпти. Колхозимиз ўтган йили пландаги 1566 тонна ўрнига 1935 тонна пахта топшириб, йиллик планни 123 процент бажарди, деб оғиз кўпиртириб гапирамизу, гектаридан олинган ҳосил тўғрисида оғиз очмаймиз. Ҳолбуки колхоз бўйича гектаридан 21,5 центнердан ҳосил олинди. Қачонгача ерларимиз янги ўзлаштирилганини баҳона қилиб ҳосилдорликни кўтаришга эътибор бермаймиз?!

Ахир ҳозирги пайтда янги ўзлаштирилган ерлардан 25-27-30-35 центнердан ҳосил кўтараётган хўжаликлар, бригадалар озмунчами! Бизда имконият йўқми? Шўр ерларда мўл ҳосил олиб бўлмайдими? Бўлади. Ахир колхоздаги икки бригадада ҳосилдорлик 25 центнер ва ундан юқори бўлди-ку, ер, сув, об-ҳаво шароити бир хил бўлган бошқа бригаладларда нима учун ҳосилдорлик 18-20 центнердан ошмади?

Хўжалигимиз пахтакорлари қўргонтепаликлар белгилаган тадбирларни ўрганар эканлар, колхозда йўл қўйилган камчиликларни очиб ташладилар, муҳим тадбирларни белгиладилар. ва ҳосилдорликни 25 центнерга етказишга қарор қилдилар. Бу билан биз ялпи пахта ҳосилини бир йил ичида 315 тонна кўпайтирамиз.

Янги марра белгилаб, ишга ғайрат билан киришган колхозчилар кўкламги пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун қизғин курашаётирлар.

Колхозда мавжуд экин майдонларининг ҳаммаси қуздаёқ сифатли шудгорлаб қўйилган эди. Қишнинг изғиринли кунларида ҳам далаларимизда иш тўхтамади. Пахтакорларимиз ҳосил офати — шўрга қарши курашдилар. 900 гектар пахта майдонининг ҳаммасида шўр бир марта ювилди. Ҳозир кучли шўрланган 460 гектар майдонга иккинчи марта сув оқизилмоқда. Колхоз бўйича 144 миришкор сувчи шўр ювиш ишлари билан шуғулланмоқда. Шунингдек ирригация шохобчаларини тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш ва қишлоқ хўжалик техникасини кўкламга шайлаш ишлари ҳам тугалланиш арафасида турибди.

Мавжуд 8 ҳайдов, 26 чопиқ трактори, 14 селлка, 26 культиватор сифатли ремонтдан чиқарилди.

Маҳаллий ўғит жамғаришда кунига 48 колхозчи, 4 автомашина, 6 прицеп тўхтовсиз ишлаб турибди.

Колхоз пахтакорлари сайлов олди мусобақасини қизитиб, кўкламга тайёргарлик ишларини тезроқ, бугун-эрта тамомлаш учун курашмоқдалар.

Исмоил ҲУСАНОВ,
Андижон область, Бўз районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

ЧИРЧИҚЛИК ҚАҲРАМОН

Таборак ака маҳалладагиларни ҳурмат қилади, маҳалладагилар уни. Тўй-маъракаларда, йиғинларда хизмат қилиб чарчамайди. Унинг довруғи бутун Чирчиқ шаҳрига ёйилган. Мана, бугун Иттифоққа танилди. СССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги илғорларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармонида унинг ҳам номи бор...

Таборак ака ўз касбига меҳр қўйган кишилардан. Машинасини техникавий кўрикдан ўз вақтида ўтказади, ювади, «тарайди». Шунинг учун ҳам у бошқараётган машина доим бир меъёрда ишлайди. Машинистни догда қолдирмайди. Мана шу тоғда ҳам у экскаваторнинг асосий узелларини синчиклаб кўздан кечирди, мойлади. Кабина ичкарисига кўз югуртди. Ҳеч қандай қоғоз кўринмади. Сменадошлари одатда, машинанинг бирор жойи шикастланса-ю, машинистлар уни тузатиб улгурмаса, Таборак акага қисқагина хат ёзиб қолдирар эдилар. Деман, машина шай, унда бемалол ишлайверинг мумкин.

Мана, улкан корпус. Ағдарма машиналар турна қатор тизилишиб келади. Улар экскаватор новшидан тушган тупроқларни узлуксиз ташиб туришибди. Смена тугашига озгина қолганда бошқарма механиги ўртоқ И. Урозов келиб қолди.

— Ҳорманг Таборак, ишларингиз қалай?

— Саломат бўлинг, ишлар чакки эмас. Бу ердаги ишларни шу бугуноқ тугаллаймиз. Эртадан бошлаб бошқа объектга ўтсак дейман.

Механик мамнун, жилмайди. Унинг бу жилмайишидан Таборак ака бажарган ишлардан миннатдорлигини пайқаб олиш қийин эмас. Машинист бугунги топшириқни ҳам бир ярим баравар ортиғи билан адо этди. Бундай даҳиқалар ярим аср яшаган Таборак аканинг ҳаётида кўп бўлган. Ҳар ким ҳам унинг ишига разм солиб мамнун бўлган.

У Чирчиқ шаҳри биқинидаги Қўшқўрғон қишлоғида туғилиб ўсган. Чирчиқда қурилиш ишлари бошланиб кетгач, кўплар қатори Таборак ака ҳам шу жойга ишга келди. Машинистликни ҳавас қиларди. Астойдил интилди, экскаватор машинистлиги касбини ипидан-игнасигача ўрганиб олди. 1929 йилдан бошлаб Чирчиқ дарёсидаги электростанциялар тизмасида — Қадрия, Оққовоқ, Комсомол ГЭСларининг котлованларини қазишда актив қатнашди. Таборак Турдиалиев «Ҳурмат белгиси» ордени, қўша-қўша медаллар ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Эндиликда у Чирчиқ бинокорлари даврасида отахон машинист деб ҳурмат билан тилга олинади. Унинг меҳнат муваффақиятларини тасаввур қилмоқ учун икки-уч рақамни келтириб ўтиш жоиз бўлар. Кейнги уч йилда ағдарма машиналарга 160 минг квадрат метр тупроқ қазиб ортди. 5,5 тонна ёнилғини тежаб қолди.

Таборак Турдиалиев ижодкор машинист. Машинанинг иш унумини ошириш, ремонтини тезлаштиришга қаратилган 6 та рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқди ва жорий этди. Бу эса ҳар йили 1500 сўм иқтисодий фойда келтириб турибди.

Чирчиқлик бинокор механизаторларнинг кўпчилиги уни устоз дейишади. Машинистлик даврида қўплаб ёш ишчиларга ўз касбини сидқидилдан ўргатди. Уларнинг ҳар бири мустақил машина бошқармоқда. Василий Самсонов, Акбар Нишонбоев, Василий Рогачев сингари 20 дан ортиқ экскаватор машинистлари Таборак аканадан касб ўрганишган. Моҳир машинист шогирдлари билан фахрланади. Шогирдлари эса у билан фахрланишади. Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести химия қурилишлари бошқармасининг экскаватор машинисти Таборак Турдиалиевнинг меҳнатига муносиб баҳо берилди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлди. Ҳамшаҳаримиз ўртоқ Т. Турдиалиевнинг меҳнат муваффақиятлари бизларни ҳам беҳад хурсанд қилмоқда.

М. МИРАЗИМОВ.

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

АТЛАСЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Қўқон шаҳридаги Муқимий номли атлас фабрикаси коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш етти йиллик планини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Ҳозир улар 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Корхона коллективи олти йил-у бир ой давомида 6 миллион 312 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу — етти йиллик планда кўзда тутилганидан 22 минг сўмлик кўпдир.

Ҳозир корхона коллективи ўртасида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сайловлари шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди.

Т. МАҲМУДОВ.

Квартал плани бажарилди

Қорақўл районининг чорвадорларининг дили қувончга тўлди. Улар давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан олдин бажардилар. Район чорвадорлари тайёрлаш пунктларига 145 тонна гўшт топширдилар. Квартал охиригача топшириққа қўшимча суратда яна юз тонна гўшт тайёрлашга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ АДАБИЁТИ ВА ЯНГИ КИШИНИ ТАРБИЯЛАШ

РОССИЯ ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИДА

Илгари хабар қилинганидек, Москвада, Катта Кремль саройида Россия ёзувчиларининг II съезди очилди ва бунда РСФСР Ёзувчилар союзи правленнесининг раиси Л. С. Соболев «Совет адабиёти ва янги кишини тарбиялаш» тўғрисида доклад қилди.

Инсон даҳоси ўзини абадийлаштириш гаммни егандек, асрлар бўйи ажиб бир нарсани: реалликка яқин турган образлар дунёсини — адабиётни яратди, дейди Л. С. Соболев. Ҳаммадан қудратли нарса бўлган вақтнинг аниқ ва юз-хотир қилмай ишлайдиган чиғириғи адабиётнинг яшаши ва ривожланиши учун асосий ва зарур шарт ҳисобланади. Керакли нарса чиғириқдан омон чиқади, кераксиз нарсалар эса чиғиринда қолиб кета беради. Дурдоналари асрлар бўйи яшайдиган классикани худди мана шу шиддатли қонун яратган.

Бироқ, адолатли ҳакам бўлган улуғ вақт замондошларнинг асарлари устидан ўз ҳукмини чиқаришга ожиздир. Биз, коммунистик тарбиянинг энг асосий воситаларидан бири бўлган совет адабиётининг бунёдкорлари ўз асарларимизга баҳо беришда шу асарларнинг бутун инсоният ишига қанчалик наф етказаётганлигини мезонга солишимиз керак. Бизнинг ўзимиз ўз ижодимизни назоратдан ўтказадиган техника контроли бўлмидирмиз, назоратчи бўлганда ҳам жуда қаттиққўл назоратчиларимиз.

Шундан сўнг докладчи КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Пленум қарорларида «идеологиялар-нинг тинч-тотув яшашини тарғиб қилиш марксизм-ленинизмга хиёнат қилишдир, ишчилар билан деҳқонлар ишига сотқинлик қилишдир», деб кўрсатиб ўтилган.

Л. С. Соболев совет ёзувчисининг ахлоқ кодекси ҳақида гапириб, адабиётдаги ишларимизнинг бирдан-бир мезони — адабиётнинг партиявийлигини кўзда тутувчи ленинча принципдир, дейди.

Сўнгра, докладчи Россия Ёзувчилар союзи ташкил топганидан буён ўтган давр ичидаги энг муҳим ҳодисаларни анализ қилиб, бундай дейди: Ленин таъбирини талқин қилиб шуни айтиш керакки, рус адабиёти бор-у, Россия адабиёти бор. Бизи шу билан фахрланамизки, таланти яққол кўзга ташланиб турган ва тўғри ғоявий йўлга солиб юборилган миллий адабиётлар бизнинг Россия Ёзувчилар союзимизда тенг ҳуқуқли ҳаёт кечирмоқда.

Ўз халқининг фикр-ўйларини ва ҳис-туйғуларини ифодалашнинг асрлар силсиласидан ўтган усули бўлмиш поэзия аввалгидек ҳозир ҳам деярли барча миллий адабиётларда етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Проза — халқ адабий ақл-заковатининг чўққиси бўлиб, адабиётнинг етуклиги шу билан ўлчанади. Шунисн диққатга сазоворки, миллий проза ўз халқининг тарихига тобора кўпроқ диққат эътибор билан назар ташламоқда, воқеаларнинг сабаблариии синчиклаб қидирмоқда, ўз Ватани босиб ўтган машаққатли йўлга баҳо бермоқда. Шоирларнинг кўпи проза соҳасида қалам тебрата бошлаганлигини ва ғоят мароқли проза асарлари ёзаётганлигини докладчи қизиқарли ҳоллардан бири деб ҳисоблайди.

Ана шу адабиётларнинг ҳаммаси кўз ўнгимизда ривожланмоқда, бу ривожланиш ўз тадқиқотчиси ва тарихчисига мунтазир бўлиб турибди, деди ёзувчи, миллий поэзияни, прозани ва драматургияни таҳлил қилиб бўлар экан. Ҳамма вақт рус адабиётининг миллий адабиётларга кўрсатаётган баракали таъсири тўғрисида гапириш одат бўлиб қолган бўлса, эндиликда Россия Федерациясидаги барча миллий адабиётларнинг бир-бирига кўрсатаётган таъсири тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш вақти келди.

Сўнгра, докладчи союзнинг бутун ижодий ҳаётини яхшилаш мақсадида правленинг ўтказган тадбирларни муфассал гапириб беради.

Миллий адабиётларнинг бир-бири билан боғланиши ҳақида гапирилиб, миллий адабиётларда содир бўлаётган жараёнларни тушунишга, талантларнинг кучини умумий иш фойдасига сафарбар этишга интилиш, роман ёки поэмаларнинг Бутуниттифоқ майдонига чиқиб олишига ёрдамлашиш шу йиллар мобайнида правлениенинг зарур вазифаси бўлиб келди. Докладда пленумларнинг, ижодий семинарларнинг иши тўғрисидаги, РСФСР ёзувчиларининг Россияда ўтказган учрашувлари тўғрисидаги маълумотлар айтиб ўтилди, «Адабиёт, санъат соҳасидаги энг яхши асарлар ва ижрочилик маҳоратн учун бериладиган РСФСР давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорнинг, катта аҳамияти ҳақида гапирилди.

Икки съезд ўртасидаги давр ичида адабиётда содир бўлган жуда муҳим воқеаларга докладда кўп эътибор берилди. Бу воқеалар мамлакатимиз ҳаётида юз берган фавқулодда воқеалар билан узвий равишда боғлангандир. КПСС XXI съезди коммунистик жамиятнинг моддий негизини яратиш йўлида муҳим босқич бўлган етти йиллик планни тасдиқлади. КПСС XXII съезди эса коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини ўз ичига олган партиянинг янги Программасини қабул қилди. Худди шу давр ичида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида илмий тафаккур тантанавор суратда кенг қулоч ёзди, биринчи космик кемалар юлдузлар томон парвоз этди. Буларнинг ҳаммаси адабиётда ўзининг тўла аксини топди ва топиб бормоқда.

Адабиёт мана шу йиллар мобайнида бадиий жиҳатдан ишлаб чиққан ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган темалардан бир нечаси докладда бўрттириб кўрсатилди. Ҳозирги замон ёшларининг турмушдан ўз ўрнини топиб олиши; етти йиллик планни амалга оширишда халқнинг меҳнатда кўрсатаётган шижоаткорлиги; колхоз қишлоғининг коммунизм сари бораётган мураккаб йўли; Улуғ Ватан урушининг тасвирланмай қолган муҳим воқеалари ана шундай темалардандир. Бу темаларнинг ҳаммаси КПСС XX съезди туғдирган умумий бир руҳ билан суғорилгандир.

Докладчи адабий жанрлар тўғрисида гапириб, сўнгги йилларда ҳикоя жанри одатдан ташқари ривожланганлигини, бу жанрнинг кўпдан-кўп хиллари пайдо бўлганлигини қайд қилиб ўтади. Роман жанри ҳам такомиллашишда давом этди. Очерк жанри ниҳоятда барқ уриб яшнади, саёҳатномалар жанри бутунлай янги форма бўлиб қолди.

Докладчи адабий маҳорат масалаларига тўхталиб, бу тушунча талант ва маҳоратдан ташқари ғоявий йўналиш тушунчасини ҳам ўз ичига олади, деди. Аммо, бирон киши киноя тариқасида «тарафкашлик» деган термин билан алмаштириб юришига йўл қўймаслик учун образлар билан фикрларни бир-бирига омихта қилиб юборишдан ҳам қийинроқдир. Идеология соҳасидаги мухолифларимиз ҳамма вақт «тарафкашлик» деган сўзни олдиндан бичиб-тўқиб қўйилган фикрларни илгари суриш, ғаразгўйлик деган маънода тушунадилар. Бизнинг адабиётимиз шу сўзнинг юксак маъноси тарафкаш эканлигини ошкора эътироф этаётганлигимизни идеологиядаги душманларимиз санъатни сиёсатга итоат қилдириш деган бачкана маънода талқин қилмоқдалар. Қаҳрамонлик характерига эга бўлган концепцияни, юксак социал мақсадлардан, инсонга нисбатан ахлоқий талабчанликдан, инсоннинг кучи ва имкониятларига ишонишдан илҳомланаётган адабиётни биз тушкун санъатга қарама-қарши қўймоқдамиз.

Докладчи болалар адабиёти масалаларига тўхталиб, барча миллий республикаларда болалар адабиёти муваффақиятли ривожланаётганлигини, етакчи ёзувчиларнинг кўплари шу соҳада қалам тебратаётганликларини айтиб ўтди. Болалар адабиётининг замонамиз ҳақида, шунингдек тарихий ва революцион ўтмиш тўғрисида ёзилган энг яхши асарлари юқсак романтика руҳи билан суғорилгандир. Ватанимиз тарихи ҳақида, революция тўғрисида, гражданлар уруши ҳақида ажойиб китоблар яратилди. Ленинга бағишланган бир талай яхши китоблар босиб чиқарилди.

Болалар китобида ижобий қаҳрамон проблемаси муҳим проблемадир. Катта ёшдаги кишиларга аталган китобларда образнинг психологик жиҳатдан теран ва ҳаётий бўлиши нақадар зарур шарт бўлса, болаларга аталган китоблар учун ҳам шу қадар зарур шарт ҳисобланади. Болаларга аталган китобнинг қаҳрамони қийинчиликларни енга биладиган, қўйган мақсадига эришса оладиган, адолатсизликка қарши курашадиган ҳаракатчан киши бўлиши лозим.

Ёшлар адабиётининг намуналари бўлган баъзи асарларнинг моҳияти докладда анализ қилиб берилди. Бундай китобларда одатда шундай воқеалар тасвирланар эдики, турмушдан ажралиб қолган мактабнинг тарбиясини кўрган ўсмир жамият учун мустақил равишда фойдали меҳнат қилишга киришгач, у билан воқелик ўртасида конфликт пайдо бўлади.

Докладчи ижобий қаҳрамонга, ёш ёзувчиларнинг ижодий услубига ва турмушни қандай кўз билан кўраётганлигига боғлиқ бўлган янги ҳодисалар хусусида ўз нуқтаи назарини ифодалаб, бундай деди: Биз шахсан ижодий ташаббус кўрсатиш, юксак маҳорат билан ишлаш, ранг-баранг ижодий формалардан, услублар ва жанрлардан фойдаланиш учун кенг майдон очиб қўйилишига тарафдормиз, лекин бунинг зарур шарти шуки, шуларнинг ҳаммаси сермашаққат ҳунарнимизнинг ҳаётбахш руҳига, адабиётнинг партиявийлигидан иборат ленинча принципга тўла равишда мувофиқ бўлиши лозим.

— Меҳнат дунёга ҳоким бўлади! — дейилган бир революцион қўшиқда, мана шу содда ва илҳомбахш сўзларда олам-олам маъно бор. Инсоннинг ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни меҳнат бунёдга келтиради. Инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатини ифодалаш ундаги ахлоқий фазилатларни ифодалашнинг энг яхши воситасидир.

Бизнинг ҳаётимизда, айниқса сўнгги беш йил ичида меҳнатнинг маънавий омил сифатидаги аҳамияти мислсиз даражада ошиб кетди. «Меҳнат ва ахлоқ», «Меҳнат ва характер», «Меҳнат ва этика», «Меҳнат ва жамият» деган темалар ҳозирги кунда адабиётнинг асосий проблемалари бўлиб қолди.

Энгельснинг машҳур бир ибораси сал ўзгартириб, коммунистик меҳнат коммунистик инсонни майдонга келтиради, дейиш мумкин. Лекин шундай улуғ вазифани бажараётган меҳнат ҳақиқатан коммунистик меҳнат бўлиши шарт.

Совет Россиясининг адабиёти, деди сўнгра докладчи, меҳнат сиғари улуғ темани анча чуқурлаштириб ва янги эсда қолувчи образлар топиб, шак-шубҳасиз ютуқларга эришган бўлса ҳам, меҳнат аҳлининг психологияси, онги, ҳаракатлари сифат жиҳатидан ўзгариб бораётганлиги сингари мураккаб проблема ҳали бизнинг асарларимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топганича йўқ.

Ёзувчи қишлоқ темасидаги асарларга алоҳида тўхталиб ўтади. Ўтган йиллар ичида колхоз қишлоғи темаси, меҳнаткаш деҳқон темаси бош йўлдаги темалардан бири бўлиб қолди. Ижодга қўлга киритилган бир талай ғалабалар ёзувчиларимиз олиб борган изланишларнинг давримиз руҳига мослигини ва тўғрилигини кўрсатиб турибди ҳамда ёзувчилар миллион-миллион кишиларни тўлқинлантираётган мана шу ҳаётий масалада актив партиявий позицияда турганликларини исбот қилмоқда.

Докладда ҳарбий темалардаги китобларга кўп ўрин берилди. Ғалаба кунининг 20 йиллиги бўсағасида ҳамма жойда ижтимоий бир ҳаракат вужудга келди: ҳалок бўлган қаҳрамонларга ҳамма ерда ёгорликлар ўрнатилмоқда, ана шу қаҳрамонлар шижоаткорлик кўрсатган жойлар қидириб топилмоқда, уларнинг номлари архивларни кавлаштириб аниқлаб чиқилмоқда. Ўз жонини қурбон қилиб, халқни фашистлар асоратидан қутқариб қолган, халқ давлатини қаттиқ туриб ҳимоя қилган ҳамда келажакка интилган революциянинг зафарли қучига юз карра куч қўшиб юборган қаҳрамонларни халқимиз чин кўнгилдан ҳурмат билан эслямоқда.

Докладчи таъкидлаб айтдики, адабиёт ажойиб мўъжиза кўрсатиши: халқ қаҳрамонлари, бизнинг сеникли ва қадрдон оталаримиз ва фарзандларимиз урушнинг оғир дамларида ва ғалаба тонг отарида қандай ишлар қилганликларини қайноқ ва жўшқин илҳом билан тасвирлаб бериши мумкин ва керак. Адабиёт ана шу қаҳрамонларнинг ҳаққоний, тўла қонли образини яратиш билан китобхонни миннатдор қилиши, ана шу қаҳрамонлар хотирасини унинг ҳаёлидан узоқ йилларгача ўчмайдиган қилиши мумкин.

Докладчи адабиётни «қаҳрамондан холи этиш» ҳақида маълум вақтгача оралаб юрган назарияга ўзининг салбий муносабатда эканлигини билдиради.

Урушга бағишланган адабиёт ҳозирги вақтда янги босқичда турибди, дейиш мумкин. Бу босқичнинг характери шундан иборатки, адабиёт кўп йиллар мобайнида олиб борилган изланишлардан ҳамма энг яхши нарсаларни ўзига олиб, катта ҳарбий-психологик масалаларни бадиий тарзда ёритиб беришга киришди, шу билан бирга, ҳарбий кишиларимизнинг мураккаб маънавий дунёсига нисбатан ўз эътиборини бўшаштирмади, балки аксинча кучайтириб юборди.

Совет халқи ўша даврлардаги воқеаларни турли тарзда тўғри тасвирлаб берган ва турли услубда ёзилган китобларни ҳадемай ола бошласа керак. Ёзувчиларимиз улуғ урушнинг бадиий йилномасини яратган эканлар, ўз замондошимиз бўлган жангчининг тўғри образини ҳам яратиб берадилар.

Докладнинг адабий танқидчиликка бағишланган қисмида бундай дейилади: танқидчилик бачкана, сёз китобларнинг йўлига мустаҳкам гов солиб қўйиши, адабий процессни чўқур идроклашга ёрдам бериши ва давр тақозоси билан санъат олдига янги вазифалар қўйиши керак. Аммо ўзининг мана шу ижтимоий бурчини шараф билан бажармоқ учун танқидчиликнинг ўзи ҳам жамоатчиликнинг эътиборига ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир.

Докладчи бадиий-тарихий ва революцион-тарихий адабиётга алоҳида эътибор берди. У бадиий-тарихий ва революцион-тарихий адабиётнинг ғоят катта ғоявий-тарбиявий аҳамиятини таъкидлаб ўтди. КПСС XX ва XXII съездларидан кейин тарихчи мутахассисларнинг қилган ишлари, зўр кучга эга бўлган идеология қуроли — янги «КПСС тарихи» ҳамда кўп томли «СССР тарихи» яратилганлиги тарихчи ёзувчилар учун кенг истиқболлар очиб қўйди.

Совет давлатининг 50 йиллигига ва Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш даврида революцион тарихий адабиёт ўзига муносиб ўринни эгаллаши керак.

РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Л. С. Соболев ўз докладини тамомлаб айтадики, халқни уни ўзи яшаб турган даврнинг фалсафасидан ажратиб бўлмайди. Бу фалсафани эса бутун халққа манзур бўлган сиёсий партия ифода этади ва реал ҳаракатларга айлантиради. Бу партиянинг номи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. Биз ёзувчилар шу билан бахтиёрмизки, КПСС кун сайин амалга ошираётган кўпдан-кўп ва беҳисоб ишлар орасида совет адабиётининг йўллари ҳақида ғамхўрлик қилиш энг асосий ишларидан биридир. КПСС Марказий Комитети, РСФСР бюросининг Россия Федерациясн ёзувчиларига йўллаган табрикномасидаги юрак сўзларида бу нарса яққол ифода этилган.

КВАРТАЛ ПЛАНИ— САЙЛОВГАЧА

— Қўқондаги 5-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи республика маҳаллий Советлари сайловлари шарафига оширилган мажбуриятлар олиб бараканли меҳнат қиляпти, — деб хабар қилади Улмас Назаров. — Сайлов олди мусобақаси яхши натижалар бераётир. Экскаватор машинисти Николай Карпулин ва Михаил Мартичев ўртоқлар смена нормаларини 130-140 процентга етказиб адо этишаётир. Уларнинг ахди — квартал планини сайлов кунигача бажариб қўйиш.

—●—

Шарофатхон Ризаева, Лена Гончарова, Александра Шельнова ўртоқлар фидоқорона меҳнатлари билан Бухоро пойафзал фабрикасида донг чиқаришган. У. Раҳматуллаевнинг ёзишича, бу пойафзалчилар шу неча-кундузда март ойининг кириничи ўн кунлиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Корхона коллективининг мусобақасида Н. Павленко бошчилик қилаётган цех олдинда бормоқда.

—●—

Нуриддин Муҳиддинов Наманган шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводида тарозибон бўлиб ишлайди. Ўзи ишлаётган корхона коллективининг меҳнат зафарлари уни ҳам завқлантирмоқда. Прессловчи А. Абдураззоқов, тола ажратувчи Т. Жалилов ўртоқлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Улар март ойининг охирги ўн кунлиги ҳисобига маҳсулот тайёрлашяпти.

—●—

— Мўйноқ балиқ консерва заводига Чехословакиядаги Трентин тикув фабрикаси ишчиларидан мактуб келди. Унда мўйноқлилар тайёрлаб юборган консерва маҳсулотлари ўзларига жуда ёқиб қолганлигини қувонч билан хабар қилишади, — деб ёзади И. Мадгазин. — Дарҳақиқат, заводнинг меҳнат аҳли ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўляпти. Бундай мактублар мамлакатимизнинг Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларидан ҳам келиб турибди. Дўстлар мақтови консервачиларни янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда.

—●—

Иш вақтидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мусобақасида Қўқон қурилиш материаллари комбинати, «Большевик» механика заводи, Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикаси, Чирчиқ электрохимия комбинатининг кўпгина ишчилари қувончли натижаларга эришаётирлар. А. Кожухов, У. Мирзаев, М. Шералиев, Э. Сайдалиев, В. Шушевский, А. Тошпўлатов, Е. Усаров ўртоқларнинг хабар ва мақолаларида ана шу воллентиялрда намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш илғорларнинг, новаторларнинг фамилиялари тилга олинади.



АБДУФАТТОҲ Шукуровни Тошкент трактор-йиғув заводи меҳнаткашлари шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Бу, оддий бир ишчи учун жуда катта ишонч. Ўртоқ Шукуров ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Суратда: илғор ишчи Абдуфаттоҳ Шукуров.

И. Глауберзон фотоси.

ҲАМКАСБЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

ЮКСАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАДАНИЯТИ УЧУН

Республикамиз тўқимачилик саноатининг титув, йигирув, тараш цехлари ҳамда пахта тозалаш заводларига иш вақтида ажралиб чиқадиган чанг-тўзонни сўриб олиб турадиган ускуналар етарлича ўрнатилмаётир. Ана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида республика халқ хўжалигига қарашли илмий-техника, ахборот ва пропаганда институти яқинда тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати корхоналари мутахассисларидан комплекс бригада тузиб, юқори Волга Халқ хўжалиги кенгашига қарашли Иваново шаҳридаги меҳнатни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институтига жўнатди. Улар институтнинг цехлардаги чангни механизмлар ёрдамида тозалаш ва уларни ишлаб чиқаришга қўллаш борасида тўпланган тажрибаси билан танишдилар. Корхоналарда бўлдилар.

Иваново камволь комбинати яқингинада ишга туширилган гигант корхона. У йилига миллион-миллион метрлаб турли ассортиментдаги нафис, ғижимланмайдиган кўйлакли ва костюмли материаллар ишлаб чиқаради. 16 гектарли майдонни эгаллаб ётган комбинат фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қурилган. Машиналар бир меъёрда шовқинсиз ишлаб турган цехларда гард учмайди. Ишчиларнинг иш жойи ойнадек тоза. Махсус мосламаларда турли хил гуллар очилиб турибди. Ишчилар учун цехларда алоҳида кийим иладиган шифоньерлар ўрнатилган. Ишчилар бир хил кўркам коржома кийиб олишган. Қаёққа қараманг кўз қувнайди. Бесўнақай ишлаб чиқаётган чанглар қаёққа кетяпти, деб ўйлаб қоласиз.

Фролов номидаги меланж тўқимачилик комбинатининг тўқув фабрикасида ҳам чанг ва чиқиндилари йиғиб оладиган кучли насос установкалар ўрнатилган. Натижада цехда ишлаб чиқариш маданиятини кўтаришга имкон очилган. Москвадаги Фрунзе номли йигирув-тўқив фабрикасидаги чанг-тўзонларни сўриб оладиган установкаларнинг иши айниқса диққатга сазовор. Фабрикада тараш машиналарининг пўлат ниналари орасидан чанг-тўзонларни ҳамда машина ажратиб чиқарган турли пахта чиқиндилари пневматик усулда тозалаб турилади. Барча чиқиндилар алоҳида бункерга йиғилади.

Ўзбекистондан борган мутахассислар Иваново—Москва тўқимачилик фабрикаларидаги касбдошлари ишлари билан танишиб, тажриба алмашдилар, тўқимачилик фабрикалари ва пахта тозалаш заводларида чангларни пневматик усулда тозалашни ўрганиб, керакли лойиҳаларни олиб келдилар.

Ҳозир бу усуллари республикамиз тўқимачилик фабрикаларида, пахта тозалаш заводларида қўллаш учун шароитга мосланган лойиҳалаш ишлари тугалланиш олдида турибди. Бундай ишларни тез оммалаштириш учун яқин вақт ичида республика тўқимачилик ва пахта саноати мутахассисларининг катта йиғилиши мўлжалланмоқда.

С. ИУЛДОШЕВ,
инженер технолог.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тинчлик ва инсониятга қарши жиноят қилишда ҳамда ҳарбий жиноятларда айбдор бўлган шахсларни, жиноят қайси вақтда қилинганига қарамай, жазолаш тўғрисида

Иккинчи жаҳон урушини бошлаб берган гитлерчи жиноятчилар инсониятни сон-саноқсиз қулфат ва азоб-уқубатларга дучор қилдилар. Ҳеч гуноҳи бўлмаган неча ўн миллионлаб кишилар, шу жумладан болалар, хотин-қизлар ва кексалар ваҳшийларча ўлдирилди, ажал лагерларида қаттиқ азобланди, газ камераларида димиқтириб ўлдирилди. Немис-фашист босқинчилар граждан аҳолини қул қилиш учун кўплаб ҳайдаб олиб кетишда, ҳарбий асирлар билан ваҳшийларча муомала қилишда, минг-минглаб шаҳар ва қишлоқларни ваҳшиёна вайрон қилишда айблидирлар.

Урушда энг кўп талофот берган Совет Иттифоқи халқлари фашист ваҳшийларнинг жазосиз қолишига йўл қўя олмайдилар. Совет давлати халқаро ҳуқуқнинг гитлерчи жиноятчиларни, уларнинг одил суддан қаёрда ва қанча вақт ширинниб юришларидан қатъи назар, жазолаш зарур эканлиги тўғрисидаги ҳамма томонидан танилган нормаларига доим асосланади.

Халқларнинг виждони ва ҳуқуқий онги иккинчи жаҳон уруши даврида жуда оғир ёвузликларни килган фашист жиноятчиларнинг жазосиз қолишига йўл қўя олмаслигини эътиборга олиб,

бундай шахслар кечиримга ва ўз жиноятларининг унутиб юборилишига умид боғлай олмайдилар, деб ҳисоблаб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан танилган ва халқаро ҳарбий трибунал Уставида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияларида ўз ифодасини топган принципларига мувофиқ **қарор қилади:**

Тинчлик ва инсониятга қарши энг оғир ёвузликлар ҳамда ҳарбий жиноятлар қилишда айбдор бўлган нацист жиноятчилар жиноят қилиганидан буён қанча вақт ўтганлигига қарамай суд қилинишлари ва жазоланишлари лозим.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1965 йил, 4 март.

Редакцияга келган хатлардан

ҚАЧОНГАЧА?

Мен 55-автобазада токарь бўлиб ишлайман. Лекин гоҳо бошқа корхонага ишга ўтиб кетгим келади. Нега дерсиз? Сабаби битта. Бу ердаги станок ва ускуналар алмисоқдан қолган, бошқа корхоналарда ёдгор ишлатилавериб эскирган. Бузилгани бузилган. Бу станоклар билан сифатли деталлар тайёрлаш ҳам амримаҳол. Қачонгача аҳвол шундай қоларкин?..

Автобазадаги токарлик станоги 15 йилдан буён ремонт қилинмаган, қисмларининг кўпи ишдан чиққан. Адашмасам, бу станок бундан 30 йил муқаддам ишлаб чиқарилган. Ўзингиз айтинг, шундай станокда сифатли деталь тайёрлаш мумкинми?

Яна битта пармалаш станогимиз бор эди. Ишдан чиққанига уч йил бўлиб қолди. Ва тузатилади, на янгиси келтирилади. Олти йилча муқаддам автобазага металломдан тайёрланган токарлик станоги келтирилиб, ремонтдан чиқарилган эди. Лекин бу станок ҳозиргача ҳам ишламай турибди. Чунки у автомобиль деталлари ишлаб чиқаришга ярамайди. Ҳайронмиз. Автобазага нуқул ремонт талаб, эски станок келтиришса-келтиришади-ки, лекин янги, замонавий станоклар сотиб олишни ўйлашмайди. Ўзбекистон ССР Автомобиль ва тош йўллар министрлиги Фарғона область трести 55-автобазада янги станоклар йўқлигини биларкинки?

О. ИСМОИЛОВ,
Қўқон, автобаза токари.

«ОЛТИН» ШАҒАЛЛАР

Яқинда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ўрта Осиё темир йўлининг «Бахт» станцияси яқинидаги «Бахт» пахта заводи ўтган йили шу корхона реконструкцияси учун станция майдонига бир неча вагон шағал туширган-у, керагини ташиб, қолганини ташлаб кетган экан. Станция эса ана шу қолган шағаллар ҳалигача сақланиб келинаётгани сабабли заводдан жарима талаб қилибди. Завод эса керагидан ортиқ шағал келтириб қўйиб, қолган шағални ташиб олишдан ҳам, жарима тўлашдан ҳам бош тортибди.

Лекин Ўзбекистон Давлат арбитражи ёрдамида темир йўл заводдан 8500 сўм жарима ундириб олди. Бу — шағалларнинг олтинга тушгани эмасми?! Ахир бунинг олдини олиш мумкин эди-ку! Завод керагича шағал келтирса, ёки уни тиҳирлик қилмай ташиб олса шунча зарар кўрармиди?!

Н. ОБИДОВ,
Тошкент темир йўли молия бўлимининг ревизори.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ҲАР ТЎҒРИДА

Ленинградда Джанелидзе номли тез ёрдам институтининг 30 йиллик фаолиятига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган бу йиғилишда Тошкент, Москва, Киев ва бошқа шаҳарлардан келган олимларнинг 90 нутқи тингланди.

А. КИМ.

Марғилондаги Йўлдош Охунбобоев номли музей яна бир экспонат билан бойитилди. Музейда оташин революционер, республикамизнинг биринчи президенти ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи «Йўлдош Охунбобоев оиласи орасида», «Водилга саёҳат», «Лоғон каналида» каби стендлар ташкил этилди.

Ҳ. НАСРИДДИНОВ.

Киров номли колхознинг Ленинград бўлими ишчилари 10 минг туп-тут кўчати эндилар.

А. ТУРДАЛИЕВ.
Фарғона область, Киров райони.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙДИ

Ип ўровчи Валентина Тарасова станокларда хизмат қилишнинг янги усулига амал қила бошлади. Бу усулнинг қўлланилиши иш вақтининг 25 процентини тежашга имкон берялти. Валентинанинг ташаббуси Қўқон ип йигирув-пайлоқ тўқув комбинатида кенг қулоч ёймоқда. Янги усулда ишлашга киришган ип ўровчиларнинг ҳар бири 8 ўрнига 10 автоматда хизмат қилишга муваффақ бўлмоқда.

Валентина Тарасованинг иш жараёнларини такомиллаштириш ва вақтни тежашга қаратилган ташаббусига амал қилиш корхонада меҳнат унумдорлигини 24,6 процент оширишга имкон беради. Комбинатда бундай новатор ишчилар жуда кўпайиб борялти. Ишчи Эмина Шамсиддинова илғор усулларни қунт билан ўрганади. Унинг ип узилишини қисқартириш борасидаги интилишлари яхши натижалар бермоқда. Ўртоқ Шамсиддинова ип узилишини нормадагидан анча камайтириб юборди. У қисқа муддат ичида 20 та ишчига ип узилишини қисқартириш тажрибаларини бажонидил ўргатди.

Г. БАНКЕТОВ.

БАЛИҚЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

«Амударё» колхозида пенсионерлардан ташкил топган балиқчилар бригадаси бор. Бригада ҳар куни 150-200 центнерга етказиб балиқ овлаяпти. Урозбой Иброҳимов, Сейдебулла Аллаёров, Сафар Ёрманов каби кексалар балиқ овлаш топшириқларини ҳамма вақт ортиғи билан бажариб, ёшлар билан беллашишмоқда.

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советлари сайловлари кунигача квартал планини бажаришга аҳд қилган пенсионерлар бригадаси балиқ овлашда янгидан-янги зафарларга эришмоқда. Бригаданинг 13 аъзоси кундалик нормани бир ярим-икки ҳисса орттириб адо этяпти.

Е. КАРАКУЛОВА.
Мўйноқ райони.

НАРПАЙ РАЙОНИДА

ЯНГИ ЗАВОД

Район марказида ремонт механика заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БОҒЧА ВА ЯСЛИ

160 болага мўлжалланган икки қаватли боғча-ясли биноси қад кўтарди. Боғча-яслига водопровод ва газ келтирилди.

ИККИ ҚАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА

Район совети ижроия комитетининг ёрдами билан бозор ёнида икки қаватли меҳмонхона бинаси қурилди.

Х. ИКРОМОВ.

ҲОДИСА

ҚОПҚОНГА ТУШДИ

Қопқонга тушган бўри қочмоқчи бўлиб, ўзини ҳар томонга урарди.

— Ҳа, аблаҳ,— мерган йиртқичнинг бошига чўқмор таёғи билан урди.— Ҳалигача Зарқора қўлидан бирорта йиртқич қутилган эмас!

Яккабоғ районидаги «Авангард» совхозининг ишчиси Зарқора бобо фақат шу йилнинг икки ойида 6 та бўрини қопқонга илинтирди. Бундан ташқари у милтиқ билан ҳам анча йиртқичларни қирган.

Б. ИСМОИЛОВ,
А. КАРИМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ · 2
5 МАРТ, 1965 ЙИЛ
№ 53 (13.009).

Сўз—машъал-ларимизга

ШАРОИТГА МОСЛАШИБ

Ҳар бир колхознинг ўзига хос ер-сув шароити, имкониятлари бор. Масалан, бизнинг еримиз, ишчи кучимиз, моддий-техника воситаларимиз қўшни колхозларникидан фарқ қилади. Шундай бўлгандан кейин қўлланиладиган агротехника ҳам бошқа хўжаликлардагига ўхшамайди.

Бизда 1040 гектар ерда пахта етиштирилади. Шундан 400 гектари адир, қолгани бўз ерлар. Аввало, барча пахта майдони кузда 38-40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади. Ҳайдаш олдидан ернинг кучли-кучсизлигига қараб гектарига 350-500 килограммдан суперфосфат, 8-10 тоннадан компост солинади. Бу йил ҳам шундай қилинди.

Адр ерларда нам тўплаш ва сақлаш жуда қийин. Агар ерда нам етарли бўлмаса чигитни текис ундириб олиб бўлмайди. Шу сабабли экиш олдидан кўндалангига қисқа жўяклар олиб суғорамиз. Ёз даврида ана шу майдонлардаги экинни сира сувсатмаслик керак. Акс ҳолда у ўсмайди, шона ва гулини ташлаб юборади. Пахтакорларимиз буни ҳисобга олиб, ҳар бир пайкалдаги ғўзанинг аҳволини мудом кузатиб борадилар. Экин сув талаб бўлиши биланоқ дархол суғорадилар.

Яна шуни айтиш керакки, паст-баландликлардан иборат адр ерлардаги ғўзани суғориш жуда мураккаб иш. Сув жўяклардан жуда оз миқдорда окизилиши, пайкалнинг этагида қўллаб қолмаслиги, эгатларни ювиб кетмаслиги лозим. Шу сабабли адр ерлардаги экинни суғориш энг тажрибали колхозчиларга топширилади.

Бу майдонларда ҳар сувдан кейин намни узоқ сақлаш мақсадида ер етилиши билан дарҳол чуқур культивация ўтказилади. Ернинг ўтиб кетиб, ёрилишига йўл қўйилмайди. Культивация қилиш билан бир қаторда ерга албатта компост солинади. Натижада нам узоқ сақланади ва ғўза ҳосилдор бўлади.

Бўз тупроқли ерларда қўлланиладиган агротехника тадбирлари адр майдонлардагидан бир оз фарқ қилади. Дастлаб ана шу ерларда кўчатни бут, гектарларни тўлиқ қилиб олишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун ер текис, тупроқ майин бўлиши лозим. Экиш ниҳоятда сифатли ўтказилиб, чигит қийғос ундириб олиниши керак. Аниқ квадратлар ҳосил қилиниши шарт. Бунга эришилганда ёз бўйи иш баракали ва сифатли бўлади. Культивация даврида кўчат нобуд бўлмайди. У ҳосил етилгунча тўла сақланади.

Адр ерларда етиштириладиган пахтага кўпроқ меҳнат ва маблағ сарфланади. Чунки бу участкадаги ерни тайёрлаш, чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш қийинроқ. Экин бўз ердагига нисбатан кўпроқ суғорилади ва культивация қилинади. Ўғит ҳам шунга яраша сарфланади. Ҳосилнинг кўп қисми қўлда терилади. Аммо бу ортиқча харажатларнинг ўрнини бўз ердан қопланмаса пахта қимматга тушиб, унинг таннархи ошиб кетади, даромадга салбий таъсир қилади. Бизда бунга йўл қўйилмайди. Лекин бу бўз ердаги ғўза яхши парвариш қилинмайди, деган гап эмас. Культивация ва суғориш сони кам бўлса ҳам, унинг сифатига алоҳида эътибор берилади. Экин керагича озиқлантирилади ва ҳосили адр ерлардагидан мўл ва арзон бўлади.

Пахтакорларимиз йил сайин мўл ҳосил олиш билан бир қаторда, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш, пахтачиликдан қилинадиган даромад миқдорини оширишга муваффақ бўляптилар. Ўтган йили гектаридан ўрта ҳисобда 37,5 центнердан ҳосил олинди. Давлатга пландаги 3200 ўрнига 3896 тонна пахта сотилди. Комплекс механизациями кенг жорий этиш, ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш ҳисобига кўп миқдорда меҳнат ва маблағ тежалди. Бир центнер пахтанинг таннархи 19 сўм 41 тийинга тўғри келди. Колхоз пахтачиликдан 1 миллион 486 минг сўмдан ортиқ соф фойда олди. Бир киши-кунига 3 сўм 9 тийиндан пул тақсимланди.

Колхозимиз шароитида пахтани эрта пишириш катта аҳамиятга эга. Чунки ерларимизда вилт касаллиги тарқалган. Шунинг учун ҳам касаллик кучайгунга қадар кўракларни етилтириб ва пахтани пишириб олишга ҳаракат қиламиз. Агар вилт касаллиги кучайган даврда ғўза ҳали ёш, кўраклар етилиб ва пахта пишиб улгурмаган бўлса ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади.

Буни эътиборга олиб чигит униб чиққандан бошлаб то кузгача ғўза парваришини тобора кучайтириб борамиз. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни эрта тамомлаймиз. Чеканкани бошқа хўжаликлардан бир ҳафта олдин бошлаймиз.

Бу тадбир ҳосилни вилт касаллигидан сақлашдан ташқари, пахта йиғим-теримини эрта бошлаш ва тезроқ тугаллаш, келгуси йил мўл ҳосилига замин яратишни барвақт бошлаш имконини беради. Ўтган йили колхоз давлатга пахта сотиш планини фақат областдагина эмас, ҳатто республикада ҳам биринчилар қатори бажарди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Шунинг ўзидан мўлжалдагига нисбатан 320 минг сўм қўшимча даромад қилинди.

Энг муҳими шундаки, барча пахта майдони кузда сифатли шудгор қилиб қўйилди. Ишдан бўшаган ҳайдов тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти барвақт тамомланди. Суғориш шохобчалари тўла тартибга келтирилди. Кўп миқдорда гўнг тўпланди ва компост тайёрланди. Ерга яхоб бериб, етарли нам тўпланди. Эрта баҳорда нам сақлаш мақсадида ер чуқур борона қилинади. Бегона ўтларнинг томирини қуритиш учун дискаланади.

Пахтакорларимиз қўрғонтепаликларнинг чақириғига жавобан бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақида берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун кўклам экин кампаниясига шай бўлиб турибдилар.

М. ЭМИНОВ.

Андижон область, Ленин районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзолари областда биринчи бўлиб механизмлар билан эртаги картошка экишни бошлаб юбордилар. Улар картошканинг ҳар гектаридан 15 тоннадан ҳосил олишни мўлжаллашяпти. Картошка ҳосили қазиб олингач, ўрнига «дала маликаси» экилади. Маккажўхорининг гектаридан эса 1000 центнердан думбул сўтаси билан кўппоя олиш планлаштирилган. Суратда: картошка экиш пайти.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

САЙЛОВ КУНДАЛИГИ

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов олди тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Бу ҳақда редакцияга кўплаб хат-хабарлар келмоқда. Қуйида шулардан баъзиларини эълон қиламиз.

АГИТПУНКТ ЧОРЛАЙДИ

Кеч кириши билан фидокорона меҳнатдан қайтган ишчилар, хизматчилар 12-сайлов участкасига оқиқадилар. Участка қошидаги агитпункт Самарқанд шаҳридаги энг яхши жиҳозланган, агитация ва пропаганда ишлари яхши йўлга қўйилган пунктлардан ҳисобланади. Агитпунктда совет демократиясига, сайлов системасига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилган. Энг яхши агитаторлардан А. Аминов, А. Неъматов, Ж. Тўхтаев, Б. Жуманов, А. Беҳмирзаев ва бошқа ўртоқлар бу ерда навбатчилик қилиш билан бирга сайловчилар ўртасида кенг пропаганда ишларини олиб бормоқдалар. Меҳнаткашлар агитпункт ишидан мамнун бўлмоқдалар.

М. САИДОВ,
Самарқанд шаҳри.

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

Чироқчи районидаги Ломоносов номли саккиз йиллик мактаб қошидаги агитпунктда 25 агитатор актив фаолият кўрсатмоқда. Улар Охунбобоев номли совхоз ишчи ва хизматчилари ўртасида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Суҳбатлардан меҳнаткашлар мамнун бўлмоқдалар.

А. СУЮНОВ,
ўқитувчи.

* * *

Газетхонлардан В. Фомичёв Самарқанддан, К. Қамбаров Сирдарёдан, Ў. Қорабоев Сурхондарёдан ва бошқа ўртоқлар агитаторларнинг фаолияти, маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар ҳақида хабарлар ёзганлар.

□ □

ЯНГИ ЕР ОЧИБ

Ўтган хўжалик йилида Қорақалпоғистон Автоном республикаси пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Бунга бизнинг совхозимиз ишчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Янги барпо қилинган совхозда мўл ҳосил етиштирилди, ўзлаштирилган бўз ва партов ерлардан ҳам нўнгилдагидек ҳосил нўтардик.

Биз бунга қандай қилиб эришдик? Эндиликда комплекс механизацияни жорий қилмай туриб пахтачиликни ривожлантириш мумкин эмаслигини ҳар бир деҳқон яхши билади. Мен механизатор-ман. Пахтакорлар механизатор зиммасига катта масъулият юклаганлар, бизларга қудратли техника ишониб топширилган. Мен ана шу ишончни оқлашга ҳаракат қилдим. Ғўза парвариши даврида 1200 гектар майдонда культивация ўтказдим. Кузда эса терим машинасида 132 тоннадан кўпроқ пахта тердим.

Ким техникани севса, уни ардоқласа, дўгда қолмайди, буни мен ўз иш тажрибамда кўриб турибман. Яқинда Ўзбекистоннинг новатор-механизатори Мамажон Дадажонов районимизда бўлди. У колхоз ва совхозларда механизаторларга дўстона маслаҳатлар берди. Пешқадам механизаторлар тажрибасига асосланиб, техника қувватидан фойдаланишни янада яхшилаймиз.

Бизнинг районимизда ўзлаштириш мумкин бўлган бўз ва партов ерлар жуда кўп. Ана шундай ерларни ишга солиб, халқимиз бойлигига бойлик қўшиш биз механизаторларнинг муқаддас бурчимиздир. Мен ҳам шу олижаноб мақсадни кўзлаб, «Правда» колхозидан бўз ерда янги ташкил қилинган «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозига кўчиб келдим. Қизил Қалъа массивида ташкил этилган бу янги совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаётирман. 19 киши 70 гектар ер ажратиб олганмиз. Бригадамизга 2 та трактор, битта тележка бириктиб қўйилган. Тракторларимизни аллақачон ремонтдан чиқарганмиз. Ҳар гектар майдонга камида 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш учун иш суръатини жадаллаштирямиз. Арик-зовурлар тозалаб қўйилган.

Бригадамиз аъзолари қўрғонтепаликларнинг 1965 йилда ҳосилдорликни ошириш юзасидан белгиланган тадбирлари билан танишиб чиқдилар. Биз ҳам социалистик мусобақани кучайтириб юбордик. Ҳар гектар ердан камида 30 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилдик.

Гулсара ПИРНАЗАРОВА,
Бируний районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи.

Паррандачилик фабрикаси

Навоий шаҳри яқинида йирик паррандачилик фабрикаси қурилмоқда. Фабрика 200 минг товуққа мўлжалланган. Бу ерда бир кунда 140-160 минг дона тухум етиштирилади.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ЯХШИ ТАШАББУС

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларга чуқурроқ билим бериш мақсадида пойтахтнинг Киров районидаги 43-мактабда ҳафтанинг белгиланган кунларида 1 ва 2-синф ўқувчилари учун овозли ўқиш ташкил этилди. Машғулотларни кутубхоначи ўртоқ Ефремова олиб боряпти.

Шунингдек, пенсияга чиққан ўқитувчиларнинг ташаббуси билан ҳовли клублари ҳам ташкил этилган. Бунда мактаб директори, синф раҳбарлари вақти-вақти билан жойларга бориб, ота-оналар мажлисларини ўтказиб туришибди, дарсларни ёмон ўзлаштирувчи ўқувчиларга муаллимлар бириктириб қўйилган. Дастлабки натижалар қувончли. Ярим йиллик давомат ҳам, ўзлаштириш савияси ҳам анча кўтарилди.

Г. ШАЙДУЛЛИНА,
пенсиядаги ўқитувчи.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ҚУЛИ ГУЛ УСТА

Ремонтчилик ишини писанд қилмайдиган кишилар ҳам йўқ эмас. «Нима, осмон узилиб ерга тушибдими, — дейишади улар, — токарнинг қўлидан тайёр буюм чиқади, ремонтчи фақат ямайди, холос». Уларнинг ремонтчи қўлидан ускуна ёки механизм «тирилиб», «жон кириб» чиқиши билан иши йўқ. Бунинг устига механизм ёки аппаратнинг «умри» узайганини айтмайсизми!

Чирчиқ электрохимия комбинатида ремонтчи-слесарлар бригадасига Худойберган Тошматов бошчилик қилади. Ўртоқ Тошматов касбини жондан севган, унга қаттиқ меҳр қўйганлардан. «Ҳар бир машинанинг қаровини ўрнига қўйиш керак, — дейди у. — Машина тихирлик қилса, ишламай қолса, бутун бошлик завод ҳам тўхтаб қолса ажабмас».

Худойберган ака ҳалол меҳнат билан донг чиқарган меҳнаткаш одам. У қўли гул уста, тенги йўқ бригадир дейишади. Ҳақ гап. Мана бир воқеани айтиб берай. Яқинда аммиак синтези цехидаги колонна ишдан чиқиб қолди. Уни зудлик билан ремонт қилиш керак эди. Механик Владимир Милушкин бу вазифани ҳам Тошматов бригадасига топширди. «Бу йигитларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Боплашади», — деб ўйлаб қўйди у.

Колоннанинг насосдасини алмаштириш керак эди. Насосдакни ремонт қилишдек майда иш ҳам бўлади. Унинг қисмлари, винтлари, мурвватларининг кўплиги... Саноги йўқ. Бунинг устига «касал»ни топиш, «даво»сини қилиш ҳам осон бўлмайди.

Бригадирнинг ҳам, бригада аъзоларидан Леонид Давидюк ва Рафиқ Аҳметовларнинг ҳам бунақа «чалажон» машиналарни ремонт қилавериб кўзлари пишган. Ҳар қалай чигални дарров топишди. Колонна уларнинг қўлидан янгидай бўлиб чиқди. Буни кўрган цехдагилар «Баракалла, йигитлар, қўлингиз дард кўрмасин!» деб қолишди.

В. УВАРОВ,
Чирчиқ электрохимия комбинати. 1-цех.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ОШИРАЙЛИК

ПЕДАГОГ МУЛОҲАЗАСИ

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирар эканмиз, бу ғоят мураккаб ва шарафли ишни малакали ўқитувчикадрларсиз тасаввур этиш қийин. Негаки, ўқитувчи талабаларга фақат илм беришгина қолмай, уларга ғоявий жиҳатдан ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу маънода олсак ўқитувчилик катта санъат ҳамдир. Бу санъатга қалбида ёш авлодга мураббий бўлиш ҳаваси, иштиёқи зўр, ҳаёт билан ҳамнафас, илмий, сиёсий, маданий савиясини ва педагогик маҳоратини мутасил ошириб борувчи, марксизм-ленинизм идеяларини пухта ўзлаштирган кишигина эриша олади. Бинобарин, ўқитувчи ўзининг чуқур билими, коммунистик ахлоқи, юксак маънавий сифатлари билан, ўқувчилар қалбида чуқур из қолдириди, уларни ҳаётга, коммунизм ғалабаси учун курашга тайёрлайди.

Ўқитувчи ўқувчиларга у ёки бу фандан билим берар экан, аввало унинг ўзи шу фанни жуда яхши билиши шарт. Шу билан бирга, у фанга янгича муносабатда бўлиши, ҳозирги даврда фан жамият ишлаб чиқарувчи кучларини тез ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолганини, фан-техника тараққиёти катта роль ўйнаётганини чуқур ҳис этиши керак. Ҳар бир ўқитувчи ёш авлодга чинакам мураббий бўлишни истаса, ҳозирги кун талабларини, ўз ўқувчиларининг илмий, маданий, маънавий эҳтиёжларини, уларнинг орзу-ҳаваларини яхши билиши, бунинг учун ўз устида кунт билан ишлаши, ижодий меҳнат билан шуғулланиши зарур. Бу эса ўқувчиларга бериладиган дарсларнинг савияси кўнгилдагидек бўлишининг гаровидир. «Ҳар қандай мактабда ҳам энг муҳим нарса, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — лекцияларнинг ғоявий-сиёсий йўлидир. Бу йўлни нима белгилайди? Бутунлай ва фақат лекторлар состави белгилайди. Ўртоқлар, сизлар шуни яхши биласизларки, ҳар қандай «контроль», ҳар қандай «раҳбарлик», ҳар қандай «программалар», «уставлар» ва ҳоказолар буларнинг ҳаммаси — лекторлар состави олдида қуруқ гапдир. Ҳар қандай контроль, ҳар қандай программа ва ҳоказолар машғулотларнинг йўлини асло ўзгартира олмайди, бу йўлни фақат лекторлар состави белгилайди».

Доҳиймизнинг реал ҳаётий тажриба билан мустаҳкам боғлиқ бу қимматли сўзлари ҳар бир ўқитувчининг хотирасида доимо туриши керак.

Республикамиз мактабларида таълим-тарбия ишлари соҳасида, ўқитувчиларнинг дарсга, педагогик меҳнатга муносабатларида анча муваффақиятларга эришилди. Бу ўринда шулар ҳақида тўхтагандан кўра шу соҳадаги мавжуд камчиликлар ҳақида сўз юритиш мақбул деб ўйлаймиз. Шуни айтиш керакки, айрим жойларда ўз масъулиятини етарли даражада ҳис қилмаётган, ўз илмий, сиёсий-ғоявий савиясини, педагогик маҳоратини ошира боришга, дарсларининг таъсирли, мазмунли, турмуш билан боғлиқ бўлишига қизиқмаётган, ҳали ҳам эскирган, бир қолипдаги ўқитиш усуллари кобигида қолиб келаётган ўқитувчилар йўқ эмас. Улар мактабларимизда ўқитиладиган барча фан, предметларнинг илмий жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам коммунистик тарбиянинг умумий мақсадларига хизмат қилиши, ўқувчиларда диалектик-материалистик дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беришидаги ролига етарли аҳамият бермаётирлар. Кейинги кузатиш, текширишлар бундай аҳволнинг Тошкент, Бухоро, Сурхондарё область мактабларида ҳамоа давом этаётганидан далолат беради. Бунинг учун Тошкент область, Янгийўл районидаги 78, Бекобод районидаги 1, 6, 9, 14, Бухоро область, Ромитан районидаги В. И. Ленин номли 1, Фирдавсий номли 5- мактабларидаги айрим ўқитувчиларнинг дарс сифатларини кўрсатиш мумкин.

Масалан, Тошкент область, Бекобод районидаги 6- ўн бир йиллик мактабда М. И. Толстенко юқори синфларда химиядан дарс берадя. У олий маълумотли ва бир неча йиллик педагогик стажга эга. Шундай бўлишига қарамай, ўқитаётган химия фанининг таълим ва тарбиявий ролига етарли эътибор бермайди, мамлакатимизда химия саноатини ривожлантириш ва халқ хўжалигини химиялаштиришнинг аҳамиятини чуқур ҳис қилмайди.

Ўрта мактаб химия программасида ўқитиб ўтилганидек, ўқувчилар химия курсини ўрганиш процессида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ва совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришда химиянинг тобора ошаётган ролини яхши билиб олишлари керак. Шу билан бирга, улар партия Программасининг кўрсатмаларини ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь (1963 йил) Пленумининг СССРда химия саноатини жадал ривожлантириш ва халқ хўжалигини химиялаштириш ва унинг истиқболлари тўғрисидаги карорларини чуқур тушуниб олишлари лозим. Аммо ўқитувчи М. И. Толстенко дарс бераётган 11- синф ўқувчилари эса химия ўқитиш программасининг бундай талаблари даражасида билим, тушунчага эга эмаслар. Чунки ўқитувчи ҳозирда мактабларимизда қўлланилаётган илғор тажрибалар асосида, турмуш билан боғлиқ демонстрацион ва лаборатория тажрибалари, амалий машғулотлар ўтказиш, эксперименталь масалалар ечиш асосида иш олиб боришга эътиборсизлик билан қарамоқда. Бунга унинг яқинда 11- синфда «Табиий газлар» темасида ўтказган дарсини мисол қилиб кўрсатишнинг ўзи кифоя.

Маълумки, ўрта мактаб химия программасида «Табиий газлар» темаси жуда муҳим темалардан ҳисобланади. Қайтадан ишлаш натижасида ундан бензин, пластмасса буюмлари, сунъий тола, газламалар, трикотаж ва сунъий муз каби фойдали маҳсулотлар олинади.

Мамлакатимизда газ чиқариш ва ундан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш совет халқларининг маданий, иқтисодий турмуши учун ҳам, улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам, шу билан бирга, кишилар онгида диалектик-материалистик дунёқараш ҳиссини кучайтириш, табиат кучининг қудратига ишончни мустаҳкамлашга ҳам катта ёрдам бермоқда. Мана буларнинг ҳаммасини болаларга чуқур тушунтириш илмий жиҳатдан ҳам, тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Аммо ўқитувчи «Табиий газлар» темасини ўтишда бунга эътиборсизлик билан қаради. Шундай муҳим темага бағишланган дарс вактини жонсиз, турмуш билан боғланмаган ваъзхонлик, кўргазмали материалларсиз ўтказди. Бундай ҳолат ўқитувчи М. И. Толстенконинг бошқа темалардаги дарсларида ҳам кўринади. Шунинг учун у дарс бераётган синф ўқувчилари химиядан ўқув программаси талаблари даражасида билимга эга эмаслар. Буни уларнинг ўтган темалар бўйича берган жавоблари тўла тасдиқлади.

Энди Бухоро область, Ромитан районидаги Фирдавсий номли 5-мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси Р. Эргашевнинг 7-синфда «Навоий нинг рубойилари» темасида ўтказган дарсини кўрайлик. Бу ўқитувчи ҳам олий маълумотли, саккиз йиллик педагогик стажи бор. Афсуски, ўқитувчининг дарси унинг ҳақиқатан ҳам олий маълумотли эканлигидан ва саккиз йиллик иш тажрибасига эга эканлигидан далолат бермайди.

7-синфда ўрганиладиган Навоий рубойилари ўқув программасидаги салмоқли темалардан ҳисобланади. Гениал шоир бу рубойиларида инсон эркинлиги, адолат, самимий ишк-муҳаббат, вафодорлик, дўстлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, илм-маърифатга иштиёқ каби юксак инсоний фазилатларни тарғиб қилади. Рубойилардаги мана шундай қимматли мазмун, илғор фикрларни, аввало ўқитувчининг ўзи яхши билиши ва дарс процессида ўқувчиларга чуқур тушунтириши, уларда маънавий таассурот колдириши керак. Ўқитувчи Р. Эргашев эса шу муҳим вазифани бажара олмади. Унинг дарси мақсадсиз, мантиқсиз, системасиз, рубойиларни ўқувчиларнинг ўзларига ўқитиб туғатишдан иборат бўлди. У ўқувчиларнинг рубойиларни ўқишдаги хатоларига, сўзларни нотўғри талаффуз қилаётганларига эътибор берди, холос. Теманинг асосий моҳияти эса ўқувчиларга бориб етмади. Навоий дунё қарашидаги ватанпарварлик замонлар ўтиши, халқимизнинг революцион онги ўсиши билан ривожлана, кенгая борди. Мамлакатимизда ўрнатилган социалистик тузум шароитида эса янада такомиллашди, ҳақиқий ватанпарварлик даражасига кўтарилди. Мана бундай масалаларга сезгирлик билан қараш ва ўқувчиларга шундай тўғри тушунтириш ўрнига ўқитувчи Р. Эргашев Навоий қуйлаган одоб-ахлоқ нормаларини тўғридан-тўғри коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидаги юксак ахлоқий принциплар билан тенглаштириб қўйди.

Бундай камчиликларни келтириб чиқараётган сабаблардан бири шуки, жойларда илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, ўқитувчиларнинг дарсларини кўпроқ кузатиш, улардаги камчиликларни тезроқ туғатишга яқиндан ёрдам бериш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Бу муҳим масалада ўқитувчилар ўртасида ҳамкорлик қилиш, ижодий алоқа боғлаш ишлари кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун ҳам айрим ўқитувчилар дарсида масъулиятсизлик, расмиятчилик, схематизм, бир колипдаги эскирган, ҳаёт билан боғланмаган усуллар ҳамон давом этмоқда. Таълим-тарбия соҳасида кўринаётган бундай камчиликларни тезроқ тузатиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Мана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиб, таълим-тарбия ишларидаги, айниқса, дарс машғулотларидаги қолоқлик, камчиликларни тезроқ бартараф қилиш учун барча мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар коллективи, халқ маорифи органлари, партия, совет, касаба союз ташкилотлари биргаликда актив иш олиб боришлари керак.

Ҳасан ЗУННУНОВ.

КАТТА ТАРАДДУД

(Газетхонлар хатларидан)

Маҳаллий Советларга сайловлар куни—14 март яқинлашмоқда. Фабрика ва заводларда, шахта ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда сайлов олди меҳнат вахтаси кун сайин қизғин тус олмоқда. Ҳамма ерда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Буларда меҳнаткашлар ҳаёт мактабини ўтган, меҳнатда ва турмушда кўпчиликка намуна бўлган халқнинг асл фарзандларини маҳаллий Советларга депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Ҳар куни редакциямизга келаётган ўнлаб мақола ва хатларда ана шулар ҳакида ҳикоя қилинади.

— Фарғона область, Ўзбекистон районидаги агитпунктлар оқшомлари айниқса гавжум бўлмоқда,— деб ёзади А. Паттаев. 300 дан ортиқ агитатор сайловчилар ўртасида жаҳонда энг адолатли совет сайлов системаси тўғрисида, қудратли мамлакатимизнинг жаҳондаги ўрни ва роли, халқаро аҳвол ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Газетхон Б. Чўтибоев эса «Ғанибод» совхозидаги агитпунктлар самарали ишлаётганлигини хабар қилган.

Андижон область, Андижон районидаги Найман қишлоқ Совети ҳам ўзининг катта байрами—маҳаллий Советларга сайлов кунига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Колхоз агитпунктларида қизиқарли лекциялар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.—Жданов номли колхоздаги агитпунктда, — деб ёзади М. Абдуллаев,—сайловларга бағишланиб деворий газета чиқарилган.

Агитпункт мудири А. Қобилов бундай деб ёзади:

— Хива районидаги «Ленинград» колхозида учта агитпункт бор. Агитация ва пропаганда ишларини янада жонлантириш учун 18 жойда жамоатчилик асосида сиёсий тарғибот ўйлари ташкил этилди. Буларда ўқитувчи, врачлар, ишлаб чиқариш илғорларидан иборат агитаторлар бириктирилган Колхоздаги учта клуб, учта киноустановка, кутубхоналар сайловчилар хизматида.

Республикамизда шу кеча-кундузда жуда катта агитаторлар армияси ишлаб турибди. Бу сиёсий кампанияда ўқитувчилар, студентлар ва ўқувчилар фаол қатнашаётирлар.— Тошкент область. Янгийўл районидаги 13-мактабнинг 150 га яқин ўқитувчи ва ўқувчилари.— деб хабар беради Ҳ. Ҳикматиллаев.—республикамиз меҳнаткашлари ҳаётидаги муҳим воқеа—сайлов кампаниясида актив қатнашмоқда.

Газетхонлардан А. Омонов Изборскан районидаги 61-саккиз йиллик мактаб ўқитувчи, агитаторлари ҳақида. Ш. Тошқувватов, С. Салохиддинов, К. Амиров ўртоқлар Самарқанд Давлат университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ва Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми студент ва ўқитувчиларининг сайлов олди вахтасидаги фаолияти тўғрисида ҳикоя қилганлар. Хоразм область, Шовот районидан Р. Кўзибоев, Бухоро область, Навоий районидаги Конимех поселкасидан М. Қаландарова жиззахлик Т. Иброҳимов, қўқонлик М. Шарипов ва бошқа ўртоқлар ҳам ана шу мазмундаги хабарларни ёзиб юборганлар.

* * *

Депутат! Нақадар шарафли ном! Депутат—куч-ғайратини, билим-тажрибасини оммага бағишлаган халқ хизматкори, элсевар инсондир. Бу гал ҳам халқимиз ўзининг энг асл фарзандларини маҳаллий Советлар депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқда. Олтиариқ район Совети депутатлигига номзод қилиб «Ленинград» колхозининг илғор сут соғувчиси М. Сайфуддинова кўрсатилди.

Самарқанд область, Пайариқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари, деб ёзади К. Рустамов ўз хабарида, ажойиб пахтакор, элсевар Э. Сайдраҳмоновни 196-сайлов округидан Самарқанд область Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар.

МАШЪАЛ СЎНМАСИН

Кўклам тараддуди кенг қулоч ёймоқда. Колхоз ҳамда совхозларда дала ишлари қизитиб юбориляпти. Биз икки кун давомида Беруний районидаги комплекс механизациялашган бригада ва звеноларнинг ишлари билан танишдик. Г. Пирназарова, Г. Ҳудойберганова, А. Нуруллаева каби донгдор пахтакорлар бу йил ҳосилдорликни янада кўтариш тадбирларини кўряптилар.

Аммо Беруний номли совхознинг бир қатор бўлим ва бригадаларида кўкламга тайёргарлик ёмон аҳволда. Арик ва зовурлар ҳалигача тозаланмаган. Қишлоқ хўжалик техникаси шай эмас. Бутун Автоном республикага донг таратган пахтакорлар далада кўринмайди. Улар уйрўзғор ишлари билан банд бўлиб қолишган. Масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машъал пахтакор Гулжон Қурбонова уй-рўзғор иши билан банд бўлиб қолибди.

Гулжон билан узоқ суҳбатлашдик. У ўзининг пахтачиликдаги бой тажрибасини айтиб берди. Кейин совхоз раҳбарларидан нолиди. У касал бўлган эди. Ҳозир тузалган, соғлиги яхши. Лекин совхоз директори А. Шарипов, партия комитети секретари У. Қўчқоров машъал пахтакорнинг ҳолидан бирон марта ҳам хабар олишмаган. Гулжоннинг бу йилги режалари билан қизиқишмаган. Ҳатто шу чоққача Гулжонга ер ажратиб берилмаган. У қайси участкада ишлашини билмайди.

— Мен коммунистман, — дейди Г. Қурбонова. — Партия топшириғи ва ишончни оқлашменинг муқаддас бурчим. Партия ташкилоти мени қаерга юборса, ўша ерга бориб ишлашга тайёрман.

Ҳа, Гулжон Қурбонова бу йил қўрғонтепаликларнинг ташаббусига қўшилиб, пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашга ўз ҳиссасини қўшмоқчи, мўл-кўл «оқ олтин» етиштириш орзуси билан яшаяпти. У бошлиқ звено 1963 йилда ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил олди. 1964 йилда эса ҳосилдорликни янада ошириб, 26 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан хирмон кўтарди. Етиштирилган пахтанинг ҳаммасини Гулжон ва звено механизаторлари Ў. Қўрбонбоева, Р. Давлатова, Ю. Сафарбоевалар машиналарда теріб олишди.

Мўл ҳосил устаси, пахтачиликни комплекс механизациялаш ташаббускори Г. Қурбонова ҳозир севган касбидан четда қолган. Беруний район партия комитети, район ижроия комитетя бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши. совхоз раҳбарлари бу хатони тезда тузатишлари зарур. Машъал сўнмасин.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ш. СОЛАЕВ.
«Совет Қорақалпоғистони» мухбири.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
5 МАРТ, 1965 ЙИЛ
№ 53 (13.009).

Планетамизда

ХАЛҚАРО ОБЗОР

БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ВЬЕТНАМДАГИ ВОКЕАЛАР ТУҒРИСИДА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Коммунистик ва ишчи партиялар маслаҳат учрашувининг қатнашчилари Вьетнамдаги воқеалар тўғрисида шу йил 3 мартда якдиллик билан Баёнот қабул қилдилар. Баёнотнинг тўла тексти қуйида эълон қилинади.

★ ★ ★

Бир-бирларини қизиқтирган масалалар устида маслаҳатлашиб олмоқ учун Москвага тўпланган коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенцияси кенгайиб бораётганлиги натижасида ҳамда унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессия ҳаракатлар қилаётганлиги натижасида вужудга келган хатарли аҳволга барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг, кенг халқ оммасининг эътиборини жалб қиладилар. Жанубий вьетнамлик ватанпарварларнинг озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга уринишларида маглубиятга учраган Америка империализми Вьетнам Демократик Республикасига қарши ошкора агрессия қилиш йўлига тушиб олди. Америка ҳарбийлари халқаро ҳуқуқнинг элементар нормаларини поймол қилиб, энг қўпол ва ошкора шаклдаги мустамлакачилик сиёсатини ўтказмоқда. Социалистик Вьетнам территориясидаги аҳоли яшайдиган пунктларнинг вахшиёна бомбардимон қилинаётганлиги Шарқи-Жанубий Осиёда шундай янги вазият вужудга келтирмоқдаки, бу бутун халқаро муҳитни жуда оғирлаштириб юбориши мумкин.

АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги халқларнинг ишларига қурол ёрдами билан аралашаётганлиги шу райондаги мустақил давлатларнинг суверенитетини ва территориал бутунлигини хавф остида қолдиришдан ташқари айни маҳалда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига ҳам жиддий путур етказмоқда. Бу эса империалистик реакция активлашиб бораётганлигини, жаҳоннинг турли районларида вазиятни кескинлаштиришга интилаётганини, социализм мамлакатларига қарши, мустамлакачиликдан халос бўлган давлатларга қарши, халқларнинг озодлик ҳаракатига қарши агрессив хуружлар қилаётганини яна бир карра кўрсатиб турибди.

Барча революцион, демократик ва тинчликсевар кучлар Америка империализмининг Вьетнамдаги ҳаракатларини қаттиқ қоралямоқдалар. Мустамлакачилик исканжасини улоқтириб ташлаган ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқлар бу ҳаракатларни миллий озодлик ҳаракатини зўравонлик билан бостиришга уриниш деб, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишидан иборат муқаддас ҳуқуқига ошкора чанг солиш деб, ҳаққоний баҳо бермоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари империалистик агрессияга қарши мардона кураш олиб бораётган Вьетнам Демократик Республикасининг қардош халқи билан, қаҳрамон Вьетнам меҳнаткашлар партияси билан, Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти билан ўзларининг интернационал бирдамликларини билдирадилар. Марксчи-ленинчи партиялар Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган қаҳрамонона курашини қатъиян қўллаб-қувватлаш мақсадида барча прогрессив ва демократик кучларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларига эришишни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар. Биз АҚШнинг ва АҚШ малайларининг қуролли кучлари Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини, Вьетнам Демократик Республикасига қилинаётган ҳарбий ҳужумлар тўхтатилишини талаб қиламиз.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада тўпланган вакиллари барча коммунистик партияларга ва социалистик мамлакатларга, миллий озодлик ва ишчилар ҳаракатининг барча кучларига, тинчлик ва тараққиёт ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, уларни империалистик агрессияга қарши, миллий мустақиллик учун, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун актив курашишда ҳаракат бирлигини ва бирдамликни мустаҳкамлашга чақирадилар.



«Кимовск» совет теплоходи Кубага учта дизель электровоз, 100 та трактор, 200 тадан зиёд юк автомашинаси, пахта териш комбайнлари ва 350 тонна турли асбоб-ускуналар етказиб берди. Яқин кунларда Куба Республикасининг пўлат изларида совет локомотивлари юра бошлайди. Суратда: «Кимовск» теплоходида келтирилган юкларни Гавана портида тушириш пайти.

Пренс Латин—ТАСС фотоси.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

СОВЕТ—ПОЛЬША МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ

СССР Министрлар Совети Кинематография Давлат комитети билан Польша Халқ Республикаси кинематография марказий бошқармаси ўртасида 1965 йилда ҳамкорлик қилиш плани Варшавада имзоланди. Планда бир-бирларига делегациялар юборир турыш, ахборот материалларини айирбошлаш, шунингдек бадиий ва ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқаришда ўзаро ёрдамлашиш кўзда тутилади. «Ленин Польшада» номли бирғаликда ишланган Польша—Совет фильми бу йил экранларга чиқарилади.

БОЛГАРИЯ ЁШЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Болгариянинг ишчи ва қишлоқ ёшлари шу йилги халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажариш учун мамлакат меҳнаткашлари бошларан мусобақанинг биричи сафларида бормоқдалар. Плевень округида Церетелево қишлоғи ёш механизаторлари, бригадирлари ва чорвадорларининг ташаббуси билан «Йиллик планни ўн бир ойда бажарамиз» деган шиор остида ҳаракат бошланди. А. Иванов номли Пловдив металлургия заводининг комсомоллари ва ёшлари церетелеволиклларнинг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар округдаги ишчи-ёшларга мурожаат қилиб, уларни йил давомида пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирдилар. Ана шу маҳсулотни сотиш туфайли олинган маблағлар бир завод қуриш учун етарли бўлиши керак.

Пловдив округи ёшларининг ташаббуси мамлакатда кенг ёйилмоқда.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Халқ Кореясининг темир йўлчилари юк ташиш ва ёқилғини тежаб қолиш план кўрсаткичларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажармоқдалар. Хамхин шаҳри паровоз депосининг машинистлари юк ташиш йиллик планини муддатидан бир ой илгари бажариш ва 8.000 тоннадан кўпроқ кўмирни тежаб қолиш ҳаракатининг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Республика темир йўл транспортининг ҳамма ходимлари бу мажбуриятни якдиллик билан маъқулладилар. Кўпгина коллективлар ана шу мажбуриятни бажаришда муваффақиятларга эришдилар. Чунончи, Хамхин темир йўлчилари ўтган ой ичида пландан ташқари 55 минг тонна юк ташиб бердилар ва бир неча юз тонна ёқилғини тежаб қолдилар. Синсончхон транспортчилари эса февраль ойининг 16 куни ичида пландан ташқари 48 минг тонна юк ташидилар.

ШИМОЛИЙ ЧЕХИЯ—КЎМИР ЎЛКАСИ

Шимолий Чехияда Максим Горький номли кўмир карьери қурила бошланди. Бу карьердан ҳар йили 15 миллион тонна паст навли тошкўмир қазиб чиқарилади. Чехословакиядаги бу энг йирик кўмир карьери жуда янги Совет ва Чехословак механизмлари билан таъминланади.

Шимолий Чехия яқин йиллар ичида республиканинг энг йирик ёқилғи—энергетика базасига айланади. 1970 йилда эса бу ерда 62 миллион тоннадан зиёд кўмир ёки ҳозир республикада қазиб чиқарилаётган жами кўмирнинг учдан икки қисми олинади.

ЭНГ ЙИРИК ГЭСДА

Аржеш дарёсида Руминия Халқ Республикасидаги энг йирик гидроэлектростанция қурилмоқда. Бу иншоотда ер ости канали қуриб битказилди. Турбиналардан сув ана шу канал орқали дарё ўзанига тушади. Бу электростанция тоғлада қурилмоқда. Қуриб битказилганидан кейин у ҳар йили 400 миллион киловатт-соат электр энергияси берадиган бўлади. Ҳозир у ерда 165 метр баландликда бетон тўғон қурилмоқда. Электростанциянинг машина зали ер тагида жойлаштирилади. Унга ҳар бири 56.600 киловатт қувватли 4 та гидротурбина ўрнатиш кўзда тутилади. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Араб Республикаси билан Германия Демократик Республикаси давлат арбоблари ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида Қоҳирада ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Битимга мувофиқ, Германия Демократик Республикаси Бирлашган Араб Республикасига ҳаммаси бўлиб 25 миллион фунт стерлинг миқдорида узоқ муддатли қарз беради. ГДР шунингдек БАРга 11 миллион фунт стерлинг миқдорида савдо кредити беради.

КОММУНИСТЛАР ЧАҚИРИҒИ

Испания Коммунистик партиясининг Ижроия Комитети Мадрид студентлари дўчор бўлган мудҳиш жазолашларга қарши норозилик билдирди. Коммунистик партия Ижроия Комитетининг «Юманите» газетасида эълон қилинган баёнотида ана шу ҳақда гапирилади.

Испания коммунистик партияси студентларнинг қаҳрамонона курашини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди, у Испания университетларининг ўқувчи ва ўқитувчиларини мадридликлар билан актив бирдамлик билдиришга чақирди. ишчилар синфини студентлар курашини қўллаб-қувватлашга ва аҳолининг барча қатламлари курашини янада яхшироқ бирга қўшиб олиб боришга чақирди.

Испания коммунистик партияси Франко режими йўқ қилиниб ва мамлакатда демократия ўрнатилгандагина ҳозирги проблемаларни батамом ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

СУДАНДА ЗАБАСТОВКАЛАР

Зангори Нил вилоятининг пахтакорлари Судан ҳукуматининг ҳозирги составига қарши норозилик билдириб, забастовкани давом эттирмоқдалар. Чунки ҳукуматнинг ҳозирги составида ишчи ва деҳқонларнинг вакиллари йўқ. Полиция забастовка раҳбарларини қамоққа олди. Касаба союз қамоққа олинганларни озод қилишни талаб қилиб, вилоятнинг бош судига норозилик баёноти юборди.

САЙГОНДА ПОРТЛАШ

Жанубий Вьетнам партизанлари 1 мартда полициячиларнинг Сайгон атрофида машғулот ўтказиладиган марказини портлатдилар. Портлаш натижасида полициячилардан икки киши ҳалок бўлди, 100 га яқин полициячи отишни машқ қилаётган пайтда бомба портлатилди.

ЯРМАРКАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Кампалада Уганда тарихида биринчи халқаро савдо ярмаркаси ўз ишини тамомлади. Тўққиз кун давомида ярмаркани 85 минг киши келиб кўрди. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯЛАР

ЖАКАРТА. (ТАСС). СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси М. Т. Новчук бошчилигидаги совет олимларининг бир группаси бу ерга келди. Совет олимлари СССР да коммунизм қуриш, совет халқининг экономика ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида, Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун олиб бораётган кураши ҳақида индонезияликларга лекция ўқийдилар.

Норозилик хати

БЕРЛИН. 4 март. (ТАСС). Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг секретариати Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига ҳужум қилинганига қарши норозилик билдириб АҚШ президенти Жонсонга телеграмма юборди. Биз, дейилади телеграммада, АҚШ қўшинларини, ҳарбий ходимларини ва қурол-яроғларини Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қиламиз.

Нафрат плакатлари

НЬЮ-ЙОРК, 4 март. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири хабар беради: кеча кундузи Сайгон марказида иморатларининг деворларига номаълум кишилар қўйидаги сўзлар ёзилган плакатларни ёпиштириб кетганлар: «Йўқолсин Америка империализмининг думлари!», «Жанубий Кореядан ёлланган бу разил маҳлуқларни ким сотиб олди?» Қўшма Штатлар Жанубий Кореяда сотиб олиб, Сайгондаги қўғирчоқ ҳукуматга ёрдамга юборган икки минг солдат. Жанубий Вьетнамга келганлиги муносабати билан Сайгон кўчаларида шундай плакатлар пайдо бўлди.

ХАВФЛИ ФИТНА

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Конго ватанпарварларининг эришган муваффақиятлари Чомбе ва унинг империалист хўжайинларининг Конго проблемасини қурол кучи билан бартараф қилиш тўғрисидаги фикр-ўйларини бутунлай чиппакка чиқарганлигини яққол намойиш қилди. Ҳа Америка-Бельгия интервенцияси ва наёлланганларнинг хатти-ҳаракатлари Чомбега ғалабани таъминлаб бера олди. У Конго халқини Африкадаги ўз ёр-биродарларидан якиалаб қўйиш, Конго проблемасини ҳал қилишнинг Африка бирлиги ташкилоти (АБТ) томонидан таклиф этилган «Африкача қарори»ни кун тартибидан олиб ташлаш юзасидан мўлжаллаган ниятларида ҳам алданди. Африка Бирлиги Ташкилотининг кўпчилик аъзолари Конго ишларига империалистларнинг аралашувига чек қўйилишини қатъиян талаб қилмоқдалар.

Чомбе ана шундай мураккаб шароитларда боши берк кўчадан чиқиб олишнинг бирдан-бир йўли ташқи авантюралар ёрдамида деб ҳисобламоқда. Леопольдвиль армиясининг қисмлари Судан ва Бруниди чегараларигача келтириб қўйилди. «Америкада ишланган» деган тамға босилган Чомбе самолётлари Уганданинг аҳоли яшайдиган пунктларини бомбардимон қила бошлади. Шундай қилиб, бу ерда гап айрим Африка мамлакатлари тўғрисида эмас, балки бутун осиё Африкага қилинаётган дўқ ва пўписанинг кенг тус олдирилаётгани устида бормоқда. Уганда бош министри М. Оботе ушбу хатти-ҳаракатларни изоҳлаб, бундай қўпорувчилик ишларининг ҳақиқий ташаббускори Америка Қўшма Штатлари эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бу «дўқ-пўписа»нинг бош тиғи Конго Республикаси (Браззавиль) га қаратилгандир. 1963 йилнинг августида қўзғолон кўтарган халқ Патрис Лумумбага зид равишда сепаратчи Чомбени актив қўллаб-қувватлаган империалистлар гумаштаси аббат Юлуни ҳокимият тепасидан ағдариб ташлади. Ҳақиқий ватанпарварлар Браззавилда ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Уларнинг империализмга қарши олиб бораётган изчил сиёсати мустамлакачиларга ҳамда уларнинг қўғирчоқларига Африканинг қуллиндан озод бўлиши жараёнини тўхтатиб туришлари учун халақит бермоқда.

Шу кеча-кундузда Браззавиль раҳбарлари империалистларнинг қора ниятлари, яъни республикани Конго (Леопольдвиль) га қўшиб олиб, унинг мустақиллигини оёқ ости қилиш мақсадида уюштираётган фитналарини фош этмоқдалар. Бу фитнани амалга ошириш учун Чомбе билан бир қаторда Португалия ҳам актив роль ўйнаши даркор. Салазарнинг жазо отрядлари ҳозиргача республика территориясига қуролли ҳужумлар уюштирмоқдалар. Салазар Конго Республикаси (Браззавиль) ни йўқотиш йўли билан мустамлака ҳукмронлигига қарши озодлик кураши олиб бораётган Ангола ва «Португалия» Гвинеяси ватанпарварларини озод Африкадан ажратиб қўйишга умид боғламоқда.

Ҳозир империалистлар матбуоти ва ҳалигача мустамлакачиларга малайлик қилаётган баъзи бир Африка газеталари «Леопольдвиль ёнидаги» коммунистик пропаганда маркази»ни йўқотишни талаб қилиб, бақириб-чақириб талвасага тушмоқдалар. Бельгия ва АҚШ баъзи Африка мамлакатларини ўз тазйиқига олишга муваффақ бўлди. Бундан бир неча кун аввал Нуакшота (Мавритания)да «Африка-Мальгаш Иттифоқи иқтисодий ҳамкорлиги» деб аталган ташкилотнинг конференцияси бўлиб ўтди. Бельгиянинг вакиллари гўё «нузатувчилик» қилган бу конференция Чомбега ҳарбий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Бу фитнанинг иккир-чиккирларини ишлаб чиқиш, деб баён қилади Конго (Браззавиль) Бош министри Пасналь Лиссуба, Чомбенинг 1964 йил ноябрь охирида Европага қилган сафари даврида охирига етказилган эди. Брюссель, Лондон ва Лиссабон билан алоқадор бўлган баъзи бир хусусий ва ҳатто расмий доиралар ўша пайтда «бизнинг мамлакатимизни ўт ва қилич исканжасига солмоқ» мақсадида Чомбени қўллаб-қувватлашга келишиб олишга эришган эдилар, деб таъкидлайди Лиссуба.

Шундай қилиб, Африканинг мустақиллигига қарши уюштирилган янги хуруж тўлатўкис реал манзара касб этмоқда. Империалистлар ва уларнинг гумашталари Африка қитъасида вужудга келган озодлик революциясининг йўлини тўсиш эндиликда мумкин эмаслигини англаб олишни истамаётирлар. Озодлик революциясини тўхтатишга қилинадиган ҳар қандай уриниш барбод бўлиши мутлақо аниқ.

М. БУШУЕВ.
(АПН)

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ИЛОН ЧИЁНДАН ҚОЧАДИ

Пахсадан ясалган ташландиқ уйда дам олиб ётирган эдик. Шунда бир воқеа бизни ҳайратда қолдирди. Қаердандир чамаси ярим метр келадиган илон пайдо бўлди. Уни каттагина чиён қувиб келарди. Илон қочаверіб чарчаган бўлса керак, олдимизга келиб ўралиб олди. Шу пайт чиён унга яқинлашиб қолганди. Илон чаққонлик билан бўйнини шиширіб ранибини пуфлаб юборди. 40 сантиметрча судралиб учиб кетган чиён яна шиддат билан ҳужумга ўтди.

Пуфлай бериб чарчаган илон жон ҳолатда ўзини ташиккa урди. Чиён шунда ҳам унинг кетидан қолмади. Иккисини тутиб ўлдирдик. Аммо, бир нарса бизни ажаблантирди. Бир неча кундан кейин хароба уйларда биронта илон қолмади, чиёнлар эса кўпайиб кетди.

Н. ЭШМУРОДОВ.

Каттақўрғон қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

5. МАРТДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8:25 — Ватан ҳақида куйлаймиз. 9.25 — Симфоник рақслар. 10:10 — Венгер рақслари. 11.10— «Ўзбек партизанларининг Францияда олиб борган қаҳрамонона курашлари». 11.25 — Кичик концерт. 13.30 — Концерт (рус.). 16.15 — Композитор Б. Зейдман ижодий портрети. 17.20 — «Ягона оилада». Маҳаллий Советларга сайловлар олдидан. 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари. 20.00 — «Қурилишларга аъло сифатли материаллар етказиб берайлик» (рус.). 20.10 — Концерт. 20.45 — «Андижон—сайлов арафасида». 22.10 — Камер куйлар. 22.30 — Саид Аҳмаднинг «Баҳор гуллари» ҳикояси. 23.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари талабига мувофиқ.

Телевидение

5 МАРТДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**. 18.20 — **«КВН»** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун). 19.10 — **Бизнинг кандидатлар** (маҳаллий Советларга сайлов олдидан). 19.30 — **Эзги боғ** (илмий-оммабоп фильм). 19.40 — **Композитор Борис Гиенко.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**. 20.55 — **Баҳор тараддуди** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.10 — **Гуллар турмушимизни безайди** (уй учун, сила учун). 21.30 — **Реклама ва эълонлар**. 21 35 — **Вой, бу қизлар** (киноюмедия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.10 — **Қовоқ бўғирсоқ** (болалар учун). 19.35— **Капитан Флакс ва қўғирчоқ Ленхен** (телефильм). 19.55 — **Тошкент янгиликлари**. 20.05 — **Кантаталардан парчалар.**

Рус тилида: 20.35 — **Қидирув давом этади** (илмий-оммабоп фильм). 20.55 — **Тошкент янгиликлари**. 21.05 — **Қизиқарли учрашувлар кечаси**. 21.35 — **Оддий киши** (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/III да **Оққуш қўли**, 6/III да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—5/III да **Хатарли йўл**, 6/III да **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/III да **Тошболта ошиқ**, 6/III да **Ўғил уйлантириш** (билетлар сотилган).

Кино

Кел, Мухтор! — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 ярим ва 8 яримда). НАВОИЙ номли. «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИҒИ», «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч 8 яримгача).

Ганга ва Жамна (I ва 2-серия) — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 1.4 ва кеч 7 да). НАВОИЙ номли (кундуз 2 ва кеч 7 да), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч 8 яримда).

Аҳмад қани? — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 9 ярим, 11-15 минут ва кеч 10 да), «ДРУЖБА» (1-зала), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Секретарь қиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2-зала), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Улар Шарққа боради (1 ва 2-серия) — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кимсиз, доктор Зорге? (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 7 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 март кундуз соат 1 яримда 4—6-синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича бўладиган

концерт-лекция

Эстрада театрига кўчирилди.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 12 мартда

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ**

концертлари

Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреатлари **Мунаввар Давлатова, Отажон Ражабов**, солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Жуманиёз Собиров, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Раъно Жуманиёзова, Отаназар Абдалиёзов, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

30 МАРТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

3% ЛИ Давлат ички ютуқ заёмининг

104-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ бўлади.

Бу тиражда заёмнинг ўн саккиз разрядига 8.370.360 сўмлик 153000 ютуқ ўйналади.

3 % ли Давлат ички ютуқ заёми облигациялари омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1965 йил 17 март кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иктимоий фанлар бўлимининг экономика бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй) **А. Г. Саутов** — иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистонда сабзавотчиликнинг ташкил қилиниши ва хўжалик ичида жойлаштирилишининг иқтисодий асослари» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1965 йил 18 март кундуз соат 1 да. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Киров кўчаси, 22-уй, 16-аудитория)

В. В. Кузнецов — қишлоқ хўжалик фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Фарғона водийсида боғдорчилик ва узумчилик» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).

«МЕЛОДИЯ» БУТУНИТТИФОҚ ФИРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ГРАММПЛАСТИНКА УЙИ,

Узбекистон ССР Савдо министрлигининг граммпластинка билан савдо қилувчи магазинлари ва бўлимлари ҳозирдан 15 апрелгача

граммпластинкаларга

«1965 йил учун обунали граммпластинка нашрлари» деган махсус проспект юзасидан

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бундай проспект, граммпластинкаларга обуна қабул қиладиган магазинларда бор.

Обуна бўлиш учун: почта открыткасини тўлдириб, ўз адресингизни ёзиш ва граммпластинкаларнинг номерини открытканинг орқа томонида кўрсатиш керак.

Обуна қилинган пластинкалар июль ойидан бошлаб (обуна қабул қилинган жойдан) берилади.

Граммпластинкалар обуначига билдириш қоғози юборилган кундан бошлаб бир ой ичида сақланади.

Граммпластинкаларнинг ҳақи уларни олаётган вақтда тўланади.

Зарур маълумотларни 6-07-52 телефон орқали сўраш мумкин.

«РОСХОЗТОРГ»НИНГ КЕМЕРОВО ВА ЧЕЛЯБИНСК БАЗАЛАРИ

савдо ташкилотларига, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа ташкилотларга турли хил металл ва комбинацияли

КРОВАТЛАР сотади

Заказ қилиш учун адрес:

Кемерово шаҳар, Ишаново станцияси, Спасательная кўчаси, 59-уй, «Росхозторг» улгуржи базаси;

Челябинск шаҳар, Цвиллинг кўчаси, 30-а уй, «Росхозторг» улгуржи базаси.

Тошкент шаҳар партия комитети ва ижроия комитети Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Советининг депутати

Ҳамида Ҳабибулловна ДОНСКАЯнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469. 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543 № В. 53. Р. 03658